*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

O'ZLIDEP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,

**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

2011 йил 17 ноябрь, пайшанба
**46-(418)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК нафақат алоҳида бир хонадоннинг моддий фаровонлигига, балки мамлакат иқтисодий-ижтимоий барқарорлигини таъминлашга ҳам тўғридан-тўғри хизмат қилади

03 КОНЦЕПЦИЯ



АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ **140** ТА фермер хўжалигида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга киришилди

04 ФЕРМЕРЛИК



ОНА САЙЁРАМИЗДА СУВ ВА НЕФТЬ учун авж олаётган зиддиятлар жаҳон урушига қадар олиб борилган «катта ўйин»ларни ёдга солмоқда

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ҚОНУН ЭЛЕКТОРАТ МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛДИ. БИРОҚ...

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛГАНИМИЗДЕК, O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЖОЙЛАРДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

Термиз шаҳрида ўтказилган навбатдаги мулоқотда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ва "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Турли соҳа вакиллари — иқтисодчилар, молия ва банк ходимлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирок этган учрашувда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам батафсил кўриб чиқилди. Тадбирда демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришда Концепция муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётгани алоҳида таъкидланди. Ана шу ҳужжат талаблари асосида ишлаб чиқилган қонунларнинг бевосита жойларда муҳокама этилаётгани эса уларнинг мукаммаллашувига хизмат қилади, албатта.

2 ►►

## ҚАРОР ҚАТЪИЙ, МАСАЛА КЕНГАШГА ОЛИБ ЧИҚИЛИШИ КЕРАК

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИГА МУВОФИҚ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Маълумки, бирон-бир молия муассасаси ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсга гаров таъминотисиз кредит ажратмайди. Аммо мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлаш тизимига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида бу масалага ўзига хос ечим топилди. Яъни, иқтидорли ёшлар учун яқин кишиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумоти гаров сифатида тақдим этилган тақдирда уларга имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди.

3 ►►

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 16 НОЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БУНЁД ЭТИЛГАН «МАЪРИФАТ МАРКАЗИ» БИНОСИ БИЛАН ТАНИШДИ





# Буюк салоҳиятимизга муносиб маърифат маскани

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЎТГАН ЙИГИРМА ЙИЛИ ДАВОМИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ САЛМОҒИЮ КЎЛАМИНИ ТАЪРИФЛАШГА СЎЗ ОЖИЗ. БУ ДАВРДА ЮРТИМИЗДА АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БЕТИМСОЛ ИШЛАР ҚИЛИНДИ

Шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини, одамларнинг яшаш шароитини бундан йигирма йил олдинги ҳолат билан қиёсласанда бу янада яққол намоён бўлади. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор бино ва иншоотлар, муҳташам кошоналар, улкан саройлар, муаззам майдонлар, равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларида олдимизга қўйилган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улуғвор мақсадлар изчиллик билан амалга ошаётганини кўрсатиб турибди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги кенг нишонланган жорий йилда ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида маҳобатли иншоотлар, шинам уй-жойлар бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган "Маърифат маркази" халқимиз учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу замонавий муҳташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган.

Президентимиз Ислом Каримов 16 ноябрь куни мазкур иншоот билан танишди.

Ушбу улкан кошона истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга ҳамоҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил қилган. Ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига туташ ушбу ҳудуд бетакрор ландшафт дизайни билан ғоят гўзал қиёфа касб этган.

Ислом Каримов дастлаб Симпозиумлар саройи билан танишди.

2 ►►

## Уй хўжаликлари
## *Ўрта қатлам сафи кенгайишининг муҳим омилларидандир*

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛГАНИ УЧУН ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗДА МУЛКДОРЛАР СИНФИ ПАЙДО БЎЛДИ. АГАР **1990** ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТАЧА ДАРОМАДГА ЭГА КИШИЛАР СОНИ ЖАМИ АҲОЛИНИНГ АТИГИ **18** ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, **2000** ЙИЛДА БУ КЎРСАТКИЧ **24**, **2010** ЙИЛГА КЕЛИБ ЭСА САЛКАМ **60** ФОИЗГА ЕТДИ

Бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали замонавий ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиш асосий мақсадимиз экан, барча иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-демократик ислоҳотларнинг пировард натижаси бу, энг аввало, инсон ва унинг учун муносиб турмуш шароити яратиш, халқ фаровонлигини юқори даражага кўтаришга қаратилганини англаб етамиз.

Ўз навбатида, ривожланган демократик жамиятлар ҳақида сўз юритилганида уларни ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида асосий ўрин эгалловчи ўрта қатламсиз тасаввур этиб бўлмаслигини таъкидлаш жоиз. Айнан ана шу қатламнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уни сон ва сифат жиҳатидан характерловчи хусусиятлар ривожланган давлатларни ажратиб турувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

3 ►►

## 13 МИНГТА ШАРТНОМАДАН – 33 МИНГТА ИШ ЎРНИГА

**2011 йилнинг 9 ойида Давлат мулки қўмитаси қошидаги ижара марказлари томонидан 15 минг 579 та фойдаланилмаётган нотурар-жой аниқланиб, уларни ижарага бериш бўйича қарийб 13,8 мингта шартнома имзоланди. ДМҚ матбуот хизматидан хабар қилинишича, мазкур объектларнинг ижарага берилиши натижасида давлат хазинасига 23,5 млрд. сўм маблағ тушган. Энг асосийси, хусусий сектор ихтиёрига ўтган ана шу объектларда салкам 33 мингта янги иш ўрни яратилган.**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни ▼

# Конституция — мулкдор ҳуқуқларининг кафолати

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК КУНЛАРИДАНОҚ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» АСОСИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган давлат иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши белгилаб қўйилгани мамлакатда мулкдорлар қатламини шакллантириш имконини берди. Бош Қомусимизга кўра, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиб, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йиллари Конституциямизнинг ана шу устувор тамойилларига таяниб иш кўрилгани бугун ўз натижасини бермоқда.

2 ►►

# Учинчи секторга кенг имкониятлар

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ГРАНТЛАРИНИ ОЛГАН ННТЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Бугун вилоятда 598 та ННТ бўлиб, уларнинг аксарияти экология, тиббиёт, таълим, тасвирий санъат ва спорт йўналишларида фаолият олиб бормоқда.

— 2010 йилда вилоятдаги 7 та ННТ фонд грантларини қўлга киритган бўлса, жорий йилда улар сони 11 тага етди — дейди Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институтининг Самарқанд бўлими мутахассиси Жамила Вафоева. — Улар орасида ногиронлар ва аёллар масаласига катта эътибор қаратаётган «Раҳмдиллик», ўз фаолиятини кам таъминланган оилалар ва ёшлар билан боғлаган «Сабр», ногиронларга реал ёрдам кўрсатаётган «Ҳаёт», экология муаммоларини сув масалалари билан боғлиқ ҳолда кўраётган «Зарафшон», имконияти чекланган ёшларнинг ҳуқуқий билимини ривожлантириш масалалари билан фаол шуғулланаётган «Ойдин ҳаёт» каби ННТлар бор.

3 ►►

БУГУНГИ СОНДА:

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОФАТИ БИЛАН НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИДА ЖАҲОНДА ЯГОНА БЎЛГАН ЯНГИ КОНВЕЕР ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ушбу янгиликни эшитгач, беихтиёр ўтган асрнинг **90**-йилида Москванинг «Литературная газета», «Социалистическая индустрия» газеталарида чоп этилган «агар Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ажралиб чиқгудек бўлса, республика оғир саноати таназзулга юз тутади. Чунки соҳада маҳаллий кадрлар деярли йўқ даражада» дея аюҳаннос солувчи мақолалар ёдга тушади.

05 ►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 15 НОЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ 1826,70 | 1 АҚШ доллари | ▲ 1772,98 | 1 Хитой юани | ▲ 279,63 | 1 Туркия лираси | ▼ 1000,89 | 1 Япония иенаси | ▲ 229,84 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ 2848,82 | 1 Миср фунти | ▲ 296,88 | 1 Малайзия ринггити | ▼ 566,45 | 1 Швейцария франки | ▼ 1969,54 | 1 Россия рубли | ▲ 58,08 |
| 1 Дания кронаси | ▲ 328,15 | 1 Исландия кронаси | ▼ 15,37 | 1 Польша злотийси | ▼ 557,86 | 1 ЕВРО | ▼ 2429,08 | 1 Украина гривнаси | ▲ 222,11 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 482,71 | 1 Канада доллари | ▼ 1749,71 | 1 СДР | ▼ 2783,12 | 1 Жанубий Корея вони | ▼ 15,84 | | |

# Буюк салоҳиятимизга муносиб маърифат маскани

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
ЎзА мухбири



Йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган маҳобатли сарой ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади.

Мазкур муҳташам сарой ўзида миллий меъморчилик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, мовий гумбаз меъморчилик бобида ҳам жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган аждодларимизнинг асрий анъаналари давом этаётганидан далолатдир.

**Ушбу мажмуа миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ички ва ташқи безаклари ўз кучимиз, моҳир уста, қурувчи ва мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб таъкидлади Ислом Каримов.**

Ушбу мажмуа миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ички ва ташқи безаклари ўз кучимиз, моҳир уста, қурувчи ва мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай бетакрор бино ва иншоотларни барпо этишга эришаётганимиз Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш ва бунёдкорлик борасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботи эканини алоҳида қайд этди.

"Тошгипрогор" акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида "12-Трест" акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган "Маърифат маркази" биносига кириб боришнинг ўзидаёқ кўз олдингизда гўзал манзара намоён бўлади — марказ атрофидаги ўзига хос ландшафт дизайни асосида яратилган ям-яшил майсазорлар, марказнинг ҳар икки томонида бунёд этилган фавворалар ташқи умумий манзарани бойитиш баробарида ҳудудда микроиқлим ҳосил қилади.

Давлатимиз раҳбари саройнинг вестибюли, дизайни, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларни, ёритиш тизимини, деворда ноёб тошлардан ишланган улкан панноларни, бу ерга келувчилар учун яратилган шароитларни юқори баҳолади.

Симпозиумлар саройининг 1000 ўринли катта зали ўз салобати ва маҳобати билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Меъморий ечимига кўра дунё тажрибасида ҳали учрамаган гумбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Зал асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебеллар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Барча компьютерлар интернетга симсиз уланган.

Президентимиз "Маърифат маркази"да жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан танишди.

Юртимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган, дунё илмий жамоатчилигининг диққат-марказида бўлган. Маънавият ва маърифат, илм-фан ва маданият юксак қадрланган.

Мустақиллик йилларида халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган кўплаб маърифат масканлари барпо этилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ана шундай замонавий кошонага жойлаштирилгани ҳам мамлакатимизда маънавият ва маърифат ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир намойиши бўлди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Миллий кутубхонамизнинг бой ва нодир ахборот-кутубхона фонди маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир.

Кутубхонанинг янги биносидан китоблар музейи, ўқув заллари, китоблар дўкони, киномарказ, интернет ва медиамарказ, болалар хонаси, дам олиш хоналари ўрин олган. Янги бино замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, автоматлаштирилган яхлит ахборот-кутубхона тизимига эга. Ахборот-кутубхона фондини белгиланган меъёрлар асосида сақлашнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд.

Кутубхонанинг ўқув залларига электрон каталог, интернет ва электрон маълумотлар базасига уланган компьютерлар ўрнатилган. Илмий ходимлар, нота-мусиқа нашрлари, тадқиқотчилар учун алоҳида қулайликлар яратилган.

Мамлакатимиз раҳбари ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан кучли эканлигини таъкидлади. Шу маънода, ушбу зиё маскани авваламбор ёшларимизни юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга, эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Президентимиз кутубхона фаолияти билан танишар экан, унинг ишини мазмун жиҳатдан янада мукаммаллаштириш, мавжуд тузилмани замон талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, бунда энг тараққий этган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш лозимлигини таъкидлади. Кутубхона фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, китобхонларга хизмат кўрсатишда аҳоли турли ёш қатламларининг талаб ва эҳтиёжлари, қизиқишларини эътиборга олиш, кўрсатилаётган қўшимча хизматлар турларини янада кенгайтириш ва сифатини ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Азим пойтахтимиз чиройига чирой қўшган "Маърифат маркази" ўзбек миллий шаҳарсозлик мактабининг яна бир ёрқин намунаси бўлиб қолади. У буюк аждодларимиз бунёд этган боқий обидалар сингари Ватанимиз шуҳратини оламга ёйишга, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитларда ўқиб-изланиши ва камолга етишига хизмат қилиши шубҳасиз.

# Конституция — мулкдор ҳуқуқларининг кафолати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги ғояси ўрта қатлам вакиллари фаолиятини янада ривожлантириш билан боғланаётгани эса мулк масаласига бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг стратегик мақсадларидан бирига айланганини кўрсатади. Шу асосда юртимизда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити яратилди. Бу янги ижтимоий қатлам — мулкдорлар синфининг шаклланишига олиб келди. Агар 1991 йилда хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 1 фоиз атрофида бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етди. Иш билан банд аҳоли умумий сонининг соҳада 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ортгани эса хусусий секторни жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айлантирди.

Хусусан, ўтган йили — жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асоратлари бутунлай бартараф этилмаган бир шароитда ҳам юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,5 фоизни ташкил этди. Дунёда, айниқса, ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бораётгани жиддий хавотир туғдираётган бир пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмади. Давлат бюджети эса сўнгги беш йилда фақат профицит билан ижро этилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини бугунги ривожланиш кўрсаткичлари ҳам тасдиқламоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50,5 фоиз, саноатда — 20,7, экспортда 16,2 фоизни ташкил этди. Ана шу даврда ҳудудий дастурларга мувофиқ 815,4 мингта янги иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг 519,7 мингтаси ёки 63,7 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди. Буларнинг барчаси мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ мамлакатда мулк масаласини ҳал этмай туриб, меҳнатни ташкил этишнинг ҳар қандай тизими ҳам самара бермаслиги ҳақидаги тамойилга қатъий ва изчил амал қилинганининг натижасидир.

**Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**
**Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси.*

Шу ўринда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрлари асосида қонун ва қонун- ости ҳужжатларининг қабул қилиниши хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, бевосита соҳани тартибга солувчи 400 дан зиёд меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мулкдорлар қатламининг ривожланишида ишончли ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилди. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари амалиётга жорий этилиб, уларда Бош қомусимизда белгилаб берилган устувор йўналишлар ўз аксини топди.

Натижада мулкдор ўз мулкига эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлди. Бир вақтлар ёмонотлиққа чиқарилган мулкдор Конституцияда белгиланган кафолатлар туфайли ўз мулкига эгалик ҳиссини англай бошлади. Сўнгги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш, соҳадаги қонунчилик асосларини такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларнинг олиб борилгани эса тадбиркорлик субъектлари сонининг ортишига кенг шароит яратди. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида 33 мингта янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, хусусий сектор вакилларининг умумий сони қарийб 500 мингтага етди. Бу, ўз навбатида, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топишига мустаҳкам замин яратди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорликнинг ривожланиши нафақат мулкка эгалик ҳиссини орттирди, балки келажакка дахлдорлик ва ўзига бўлган ишончни ҳам мустаҳкамлади. Шу маънода ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир бандини ижтимоий ҳаётимизга янада чуқурроқ жорий этиш эртанги кунимизнинг осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

# Қонун электорат муҳокамасига киритилди. Бироқ...



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Фарҳод ТОШБОЕВ,**
«XXI ASR»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуқодир Тошқуловнинг таъкидлашича, мазкур қонунлар ва қонунларга киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларда O`zLiDeP электорати манфаатлари ўз аксини топмоқда. Гарчи қонун лойиҳалари соҳа мутахассислари ва тажрибали экспертлар ёрдамида ишлаб чиқилган бўлса-да, қонун лойиҳаларини бевосита жойларда муҳокама этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг таклиф ва тавсияларини ўрганиш уларни мукаммаллаштиришда муҳим омил вазифасини ўтайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида бозор иқтисодиётининг етакчи негизларидан бири — хусусий мулкка давлат томонидан берилаётган асосий кафолатлар ўз аксини топмоқда. Тадбиркорларнинг ўз бизнесига ишончли инвестиция киритиши, хусусий мулкни тасарруф этиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириши ва кўпроқ фойда олиши қонун йўли билан кафолатлаб қўйилмоқда.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда ҳам хусусий сектор вакилларининг манфаати бирламчи ўринга қўйилаяпти. Фракция аъзоларининг фикрича, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш жараёнида носоғлом рақобатга чек қўйиш, сунъий тўсиқлар ва бюрократиянинг олдини олишга хизмат қиладиган қўшимчалар киритилаяпти. Бундан ташқари, лойиҳа ҳисоботларнинг электрон шаклидан фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг давлат буюртмаси асосида ишлашига тенг шароит яратишга оид янги нормалар билан тўлдирилмоқда.

"Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда эса хорижлик инвесторларнинг ҳуқуқлари янада кенг акс эттирилаётганини таъкидлаш жоиз.

Йиғилишда муҳокама этилган қонунлар лойиҳасига киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар юзасидан O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдулҳаким Турдиев, Жарқўрғон туманидаги «Тўлаган ўғли» фермер хўжалиги бошлиғи Иқболой Қодирова, халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши депутати Холтожи Эргашев ва бошқа тадбиркор ҳамда фермерлар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Муҳокамада сафдошларимизнинг амалий таклифлар билдиргани, мунозараларда фаол иштирок этгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир, — дейди O`zLiDeP Шўрчи туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдуҳалил Дониёров. — Албатта, яратилаётган бундай шароитлар соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳа, чиндан ҳам, O`zLiDeP фракцияси ташаббуси билан партия электорати фаолиятига алоқадор қонунларнинг энг чекка ҳудудларда ҳам муҳокама қилинаётгани қонунларнинг мукаммал ҳолатга келишига хизмат қилади. Аммо йиғилишдан кейин айрим тадбиркорлар ана шундай муҳим лойиҳалар партия нашри ёки партия сайтида эълон қилинса, у билан муфассалроқ танишиш мумкинлигини таъкидладилар. Бундай таклифлар қонуний жиҳатдан қанчалар тўғри ёки нотўғрилигини билмадик-ку, аммо бу жойларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларига қизиқиш юқори эканидан далолатдир.

— Юртимизда минг йиллардан буён амал қилиб келинаётган оилавий тадбиркорликнинг қонун йўли билан мустаҳкамланаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга, соҳада ҳалол рақобатни кучайтириб, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини оширишга яқиндан ёрдам беради, — дейди Жарқўрғон туманидаги "Гулбаҳор нурли келажак" хусусий корхонаси раҳбари Дилафрўз Каримова. — Ҳозир корхонамизда аёлларнинг миллий кийим-кечакларини ишлаб чиқараяпмиз. Оилавий тадбиркорлик қонун йўли билан мустаҳкамлангач, албатта, қавму қариндошларимиз билан биргаликда корхонамизни кенгайтириб, соҳада яратилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланамиз.

Йиғилиш қизиқарли савол-жавоблар билан якунланди.

## Уй хўжаликлари

# *Ўрта қатлам сафи кенгайишининг муҳим омилларидандир*

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Демак, ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш жараёнида ўрта қатлам улушининг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан мустаҳкамланиши зиммамиздаги энг муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Аҳоли таркибида ўрта қатлам улушини янада ошириш, ўрта синф манфаатини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси, деб билган O`zLiDeP ҳам бугун ўз фаолиятини айнан ана шу мақсадга йўналтирмоқда.

1990 йили Ўзбекистонда ўртача даромадга эга кишилар сони жами аҳолининг атиги 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга, 2010 йилга келиб эса салкам 60 фоизга етди. Бу ҳол истиқлол йилларида жамиятимизда барқарор ривожланиш, мамлакатимизнинг ўз мақсадлари сари ишончли одимлашини таъминлашга қодир бўлган барқарор ижтимоий асос яратилганидан далолат беради, албатта.

Лекин O`zLiDeP ислоҳотларни изчил давом эттириш баробарида ўрта қатлам таркибини янада кенгайтириш борасидаги ишларни кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди ва бу борада мамлакатимизда жуда кенг имконият ва ресурслар мавжудлигини эътироф этади. Шу билан бирга сафи тобора кенгайиб бораётган кичик бизнес вакиллари ва ишбилармонлар қатлами, ўз келажагини тадбиркорлик билан боғлаётган ёшлар, қишлоқда тобора кенг қулоч ёяётган фермерлик ҳаракати каби муҳим йўналишларда ҳам ўрта қатлам сафини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида жуда катта имкониятларга эга эканимизни таъкидлаш лозим.

Шундай имкониятлардан бири, шубҳасиз, уй хўжаликлари имкониятидир. Бир қарашда унчалар эътиборга тушмаса-да, аммо ўз эгаларини ўрта қатлам вакиллари орасидан муқим ўрин олишига мустаҳкам замин яратиши мумкин бўлган бу имкониятдан айнан бугунги кунда кенгроқ фойдаланиш талаб этилмоқда.

Маълумки, иқтисодий адабиётларда уй хўжаликларига биргаликда ҳаёт кечирувчи ва умумий хўжалик фаолиятини амалга оширувчи шахслар гуруҳи сифатида таъриф берилади. Агар бундай шахслар гуруҳи қариндошлик ёки оилавий ришталар билан боғланган бўлса, улар оилавий уй хўжаликлари, деб аталади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, Ўзбекистондаги уй хўжаликларининг аксарияти айнан оилавий уй хўжаликлари турига киришини англаб етамиз.

**Оилавий тадбиркорлик нафақат алоҳида бир хонадоннинг моддий фаровонлигига, балки мамлакат иқтисодий-ижтимоий барқарорлигини таъминлашга ҳам тўғридан-тўғри хизмат қилишини таъкидлаш лозим.**

Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) маълумотларига қараганда, мамлакатимиздаги 5 миллионга яқин уй хўжаликлари қарийб 87 миллиард АҚШ доллари эквивалентига тенг мулкий активларга эга экан. 2003 йилда бу кўрсаткич 35 миллиард долларни ташкил этганини инобатга олсак, бу борадаги ривожланиш қамровини тасаввур қилиш мумкин бўлади. Кези келганда, уй хўжаликлари активи таркибида кўчмас мулк ҳиссаси тобора ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси уй хўжаликлари асосида тадбиркорликнинг муҳим бир тури — оилавий бизнесни ривожлантириш учун қанчалик муҳим асос мавжудлигини кўрсатади.

Марказ томонидан ўтказилган сўров якунларига кўра, 2003 йилда Ўзбекистондаги жами оилаларнинг фақат 8,5 фоизи ўзига тегишли уй-жойдан даромад манбаи сифатида фойдаланган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 31,4 фоизга етган. Агар бундан 8 йил аввал чорвачилик билан шуғулланган хонадонларнинг 67,6 фоизи, кичик ер эгаларининг 58,3 фоизи ўз фаолиятига барқарор даромад манбаи сифатида баҳо берган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич тегишли равишда 94,4 ва 90,1 фоизни ташкил этган.

Қиёсий таҳлилларга эътибор қаратсак, Ғарбда ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти бевосита оилавий анъаналар негизига қурилганига амин бўламиз. Мисол учун, Буюк Британияда жами кичик бизнес субъектларининг 76, Швеция ва Швейцарияда эса 90 фоизини оилавий корхоналар ташкил этади. АҚШ ва Канадада ушбу кўрсаткич янада юқори — 90 фоиз. Зеро, оилавий тадбиркорлик нафақат алоҳида бир хонадоннинг моддий фаровонлигига, балки ўша мамлакат иқтисодий-ижтимоий барқарорлигини таъминлашга ҳам тўғридан-тўғри хизмат қилишини унутмаслик лозим.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилгани, бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли мамлакатимизда юзага келган миллий анъаналар, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши таъкидланганининг боиси ҳам шунда. Ана шу ҳаётий заруратдан келиб чиққан ҳолда, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда.



**Соҳибжон ИСМОИЛОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

Парламент қуйи палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоиловнинг фикрича, кейинги пайтда мамлакатимизда ҳар йили 950 минг атрофида янги иш ўрни яратилаётгани, шундан қарийб 600 мингги кичик бизнес ҳиссасига тўғри келаётганини эътиборга олсак, бу кўрсаткичда оилавий тадбиркорликнинг улуши 220 мингдан зиёдни ташкил этганига гувоҳ бўламиз. Модомики, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши O`zLiDeP электоратининг бу борадаги салоҳиятини янада ошириш, ўрта қатлам имкониятларини кенгайтиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади, албатта.



**Гулжан ХАЛМУРАТОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Гулжан Халмуратованинг фикрича, оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қонун лойиҳасида оилавий корхона иштирокчилари томонидан унинг устав фонди энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил шакллантирилиши белгилаб қўйилмоқда. Бундан ташқари, оилавий корхона иштирокчиларини ҳисобга олган ҳолда, ишчиларнинг умумий сони кичик корхона ва микрофирмалар учун ўрнатилган тартибга мос ҳолда ва камида икки киши бўлиши кўзда тутилаяпти. Шу ўринда қонун лойиҳасида оилавий корхоналар фойдаланадиган турар-жойларни (кўпқаватли уйлар бундан мустасно) нотурар-жойларга ўтказиш талаб этилмаслиги аниқ белгиланганини таъкидлаш жоиз. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин оилавий корхоналар фойда солиғидан озод этилади. Оилавий корхоналар аҳоли учун назарда тутилган тарифлар бўйича коммунал инфратузилма объектларига уланиш ва коммунал хизматлардан (электр энергияси, газ, сув таъминоти) фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатга асосан ўзи ишлаб чиқарган бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини сотиш бўйича ягона солиқ тўламайдилар.

Албатта, мамлакатимизда ўрта синф вакиллари сонини уй хўжаликлари ҳисобига янада кенгайтириш ва уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга бу қадар катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Бу, ўз навбатида, ушбу секторга ҳам солиқ тўловчи, ҳам истеъмолчи, ҳам аҳолининг даромад манбаи сифатида, умуман, жамиятни модернизация қилишнинг ягона ижтимоий базаси, бошқача айтганда, ижтимоий барқарорликни таъминловчи куч сифатида қаралаётганини англатади.

# Учинчи секторга кенг имкониятлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»

«Ойдин ҳаёт» Республика соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маркази филиали ҳисобланиб, расман 2009 йилда иш бошлаган.

— Асосий мақсадимиз маҳаллаларда аҳоли саломатлигига оид долзарб муаммоларни аниқлаш ва ўрганишдан иборатдир, — дейди ННТ раҳбари Муяссар Маҳмудова. — Ўтган йили «Имконияти чекланган ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» мавзуидаги лойиҳамиз учун 8 млн. сўм грант маблағини ютиб олган эдик.

Ана шу пул эвазига Самарқанд шаҳридаги «Раҳматобод», «Каттақўрғон», Самарқанд туманидаги «Равонак», «Урташик» ҳамда «Боғишифо» маҳаллаларида қатор тадбирлар ташкил этдик.

Уларда асосан имконияти чекланган ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Маълумки, юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, ногирон фарзандларимизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, улар учун турли имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбирларимизга тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, умуман, турли соҳа вакилларининг жалб этилаётгани эса яхши самара бермоқда.

Тан олиш керак: бугунги кунда нодавлат ташкилотлар фуқаролик жамиятини шакллантиришда, давлат сиёсатининг турли бўғинлардаги ижросини таъминлашда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

— Ташкилотимиз 2004 йилдан бери фаолият олиб бормоқда, — дейди Самарқанд давлат университети «Васийлар кенгаши» жамоат ташкилоти раҳбари, анорганик кимё кафедраси мудири, профессор Абдулла Насимов. — Жорий йилда Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан «Яшил кимё — барқарор ривожланишнинг муҳим омили» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш лойиҳасига грант ажратилди. Халқаро экспертлар иштироки ҳам кўзда тутилаётган мазкур конференция 2012 йилнинг 26-28 март кунлари ўтказилиши мўлжалланган. Халқаро анжуманда юртимиздаги «яшил» кимёга алоқадор мутахассис-кимёгарлар, олимлар ва тадқиқотчиларнинг ишлари умумлаштирилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинади. Модомики, бугун атроф-муҳит софлиги кимёгарлар қўлида экан, конференциядан кўзланган асосий мақсад ҳам табиат софлигини сақлаб қолишга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятли бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугун барча вилоятларимизда бўлганидек, Самарқанд вилоятида ҳам учинчи сектор вакиллари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

# Қарор қатъий, масала кенгашга олиб чиқилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Ўз мухбиримиз**

Бу эса янги авлод вакилларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. Марказий банк Сирдарё вилоят бошқармаси кредитлаш бўлими бошлиғи Улуғбек Ибрагимовнинг таъкидлашича, 2011 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда 328 нафар коллеж битирувчисига жами 839,1 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган. Бу рақам тармоқлар кесимида таҳлил этилса, чорвачилик йўналишига 297,3 миллион сўм, паррандачиликни ривожлантиришга 152, маиший хизмат кўрсатиш учун 130,2, бошқа йўналишларга эса 259,6 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилганига гувоҳ бўламиз.

Янги давр ёшларининг янгича қарашлари маҳсули бўлган бизнес-режаларнинг бу тарзда молиялаштирилиши, ўз навбатида, кўплаб иш жойлари очилишига ҳам замин яратмоқда. Хусусан, ўтган тўққиз ойда банк кредитлари эвазига ўз бизнесини бошлаган битирувчилар томонидан жами 339 та янги иш ўрни ташкил этилган. Бундан ташқари, 2011 йилда таълим муассасалари битирувчиларига микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи 75 та сертификат ҳам берилди. Бунда Марказий банк ва O`zLiDeP ҳамкорлигида йўлга қўйилган «Диплом билан – бизнесга!» лойиҳаси асосида битирувчиларга тижорат банклари томонидан жами 787,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит берилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шу ўринда, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан ўз бизнесини бошлаётган тадбиркорларга қўшимча имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар илгари тадбиркор тижорат банкларида ҳисоб рақами очиш учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида маблағ тўлаган бўлса, 1 сентябрдан бошлаб миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш тартиби бекор қилинди.

Ёки шу пайтгача тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларидан кредит олиш мақсадида тақдим этган тегишли ҳужжатлари 10 кунда кўриб чиқилган бўлса, энди бу муддат 3 банк иш кунигача қисқартирилди. Шунингдек, кичик бизнес вакиллари ана шу фармон билан энг кам иш ҳақининг 20 баробаригача бўлган нақд пул тушумини молия муассасаларига мустақил топшириш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида Боёвут тумани ҳокими Дониёр Ботиров, вилоят касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси масъул ходими Эркин Очилдиев, Гулистон ахборот технологиялари коллежи талабаси Шермуҳаммад Ибодуллаев сўзга чиқиб, қўлга киритилаётган ана шундай натижаларга қарамай айрим соҳаларда ечимини кутаётган муаммолар сақланиб қолинаётганини ҳам таъкидладилар. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш юзасидан белгиланган вазифалар ижросининг қатъий мониторинги йўлга қўйилмаган. Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш масаласида тижорат банклари, вилоят касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси, айрим шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Депутатлар ана шу масалаларга муносабат билдириб, Савдо-саноат палатасининг ҳудудлардаги ахборот-консалтинг марказлари негизида битирувчиларнинг ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, бизнес-режа тузиш, банк кредитидан оқилона фойдаланишга доир малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидладилар.

**Депутатлик гуруҳи йиғилишида, шунингдек, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Жанобил Юсупалиевнинг давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 18 октябрдаги «Фермер хўжаликлари ихтиёридаги ер участкалари ҳажмларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан ҳисоботи ҳам эшитилди.**

Депутатлик гуруҳи йиғилишида, шунингдек, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Жанобил Юсупалиевнинг давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 18 октябрдаги «Фермер хўжаликлари ихтиёридаги ер участкалари ҳажмларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан ҳисоботи ҳам эшитилди.

Унда таъкидланишича, айни пайтда вилоятда 3319 та фермер хўжалиги бўлиб, уларда қарийб 122 минг нафар киши меҳнат қилаяпти. Ҳисоботда ҳар бир фермер хўжалигига аввалги 54,8 гектар ўрнига 71,8 гектардан ер тўғри келаётгани тилга олинди.

Маърузачи таъкидлаганидек, жорий йилда оптималлаштирилган фермер хўжаликлари томонидан давлатга пахта хомашёси сотиш шартнома-режасидан 29080 тонна кўп ҳосил етиштирилгани ҳам соҳадаги ўзгаришлар яхши самара бераётганини кўрсатаяпти. Шунингдек, вилоятда 356318 тонна бошоқли дон хирмони кўтарилиб, бу борадаги режа ҳам ортиғи билан бажарилди. Аграр соҳадаги ислоҳотларнинг ушбу босқичидан кейин фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлиги янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар эндиликда қишлоқдаги ҳал қилувчи куч сифатида чет элдан илғор технологиялар олиб келиш бўйича ҳам хорижий ҳамкасблари билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқдалар. Фермерларнинг техника парклари том маънода тезкор давр талабларига уйғунлашган ҳолда ривожлантирилаяпти. Бугун сирдарёлик миришкорлар ихтиёрида 658 та ҳайдов, 1943 та чопиқ трактори, 233 та замонавий комбайн ва 1688 та ташув техникаси мавжуд.

Фермер хўжаликлари паркини янги техника воситалари билан мустаҳкамлашда молия муассасалари кредитлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ўтган йили тижорат банклари томонидан айнан ана шу мақсад учун 6640 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойидагина 7270 миллион сўм фермерларга техника сотиб олиш учун ажратилди.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида қатнашган фермерлар соҳани янада ривожлантириш бўйича ҳам аниқ таклифларни илгари сурдилар. Жумладан, «Турғун Аҳмедов» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Холбоев, «Боғи соҳил» фермер хўжалиги раҳбари Эркин Ҳайдаров, «Бахмаллик Солим» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Қаршибоев бошқа ҳудудлардан Сирдарёга келиб деҳқончилик қилаётган баъзи фермерлар маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб белгиланган агротехника талабларига риоя этмаётганликларини таъкидладилар. Оқибатда ҳосилдорлик ўз-ўзидан пасайиб кетмоқда. Қолаверса, йириклаштирилган фермер хўжаликлари ер майдонларининг чегаралари ҳамда бонитет балларини аниқ белгилашда ҳам тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Т.Сайфуллаевнинг фикрича, асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширган, агротехника талабларига тўлиқ риоя этиб, инновацион технологияларга таянган ҳолда иш олиб бораётган фермер хўжаликларига қўшимча ер майдонлари ажратиш тажрибасининг йўлга қўйилиши ҳам яхши самара бериши мумкин.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида ҳар икки масаланинг O`zLiDeP электорати учун долзарблиги инобатга олиниб, уларни халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.



# Андижонлик фермерлар

**ЮРТБОШИМИЗНИНГ «...ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КЕЛАЖАГИ ФАҚАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЭМАС. ФЕРМЕРЛАРИМИЗ ЎЗЛАРИ ЕТИШТИРГАН МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШИ, САНОАТ РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ ДАРКОР» ДЕГАН ТАВСИЯЛАРИ АСОСИДА АНДИЖОНДАГИ 140 ТА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КИРИШИЛДИ**

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
«XXI ASR»

2011 йилда вилоятда пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан жами 315 минг 927 тонна пахта ва 500 минг тонна ғалла етиштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Соҳа мутахассислари давлатга 270 минг тонна дон сотилганини, 230 минг тонна ғалла эса фермерлар ихтиёрида қолганини бу йилги мавсумнинг энг катта ютуғи, деб баҳоламоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, Андижонда қишлоқ мулкдорларининг ерга, меҳнатга муносабати буткул ўзгарди. Айни пайтда вилоятда 6175 та фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг 2551 таси пахта-ғаллачилик, 364 таси сабзавот-полизчилик, 1554 таси боғдорчилик, 436 таси чорвачилик ва 1270 таси эса бошқа йўналишларга ихтисослашган. Йирик фермер хўжаликлари раҳбарларининг фикрича, бу йил 80 минг 200 гектар майдонга дон экилган бўлиб, ҳар гектардан 62,2 центнердан ҳосил олинди.

Энг асосийси, вилоят деҳқонлари ҳосилдорлик бўйича юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бир мисол. Ўзбекистон Қаҳрамони, олтинкўллик Сиёсатхон Абдуллаева етакчилик қилаётган "Олтинкўл водий гулшани" фермер хўжалигида жорий йилда ҳар гектар ердан 73,4 центнердан дон ҳосили олинган. "Обод водий саховати", "Намуна гулшани", "Ҳосил меҳнат кўрки", "Бахт имкон ривож" фермер хўжаликларида ҳам бу кўрсаткич 72 центнердан ошган.

Шунингдек, Қаҳрамон Сатторов бошчилигидаги "Ҳосил меҳнат кўрки" фермер хўжалигида ҳар гектар ердан 40,2 центнердан ҳосил олиниб, шартномадаги 277 тонна ўрнига 325 тонна пахта етиштирилди. Айни пайтда фермер хўжалиги 285 млн. сўмдан зиёд даромад олишни кўзлаб турибди. Шунинг 101 млн. сўми соф фойда бўлиши кутилмоқда.

— Ватанимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз, — дейди Қўрғонтепа туманидаги "Оқ сув" фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP фаоли Алижон Аҳмедов. — Президентимиз Ислом Каримовнинг биз фермерларга кўрсатаётган ғамхўрлигига жавобан астойдил меҳнат қилаяпмиз. Масалан, хўжалигимизда яратилган комбинациялашган агрегат ёрдамида тупроққа минимал ишлов бериш технологияси жорий этилиб, "Андижон 36" нави экилган 73,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51,4 центнердан пахта ҳосили олдик. Шартномавий режа эса 28 центнер эди. Агар биз ўртача сотиш баҳосида ҳисобласак ҳам, пахтачиликнинг ўзидан камида 253 млн. сўм даромад олишимиз кутилмоқда. Шундан камида 113 млн. сўми соф фойда бўлади.

Андижонда Алижон Аҳмедовга ўхшаш фермерлар кўпчиликни ташкил этади. Улардан бири "Ширмонбулоқ фахри" фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP аъзоси Муборак Исроиловадир. Ташаббускор фермер етакчилигидаги хўжаликда ҳам ғалладан 60, пахтадан эса 40 центнердан ҳосил олинди. Хўжаликнинг ўзига 50 тонна дон қолди. Пахтачиликдан 70 млн. сўм даромад кутилмоқда.

Шу ўринда жорий йилнинг 1 октябрь куни Юртбошимизнинг вилоятга ташрифлари чоғида "...фермерлик ҳаракатининг келажаги фақат деҳқончилик билан боғлиқ эмас. Фермерларимиз ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлаши, саноат ривожида муҳим ўрин эгаллаши даркор." деган эдилар. Ана шу вазифадан келиб чиқиб, 57 та фермер хўжалигида деҳқончиликдан ташқари турли ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. 140 та фермер хўжалигида эса ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилишга киришилди.

— Биз дастлаб 10 киши билан иш бошлаган эдик, — дейди Шаҳрихон туманидаги "Пане люкс" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Одинахон Отахонова. — Бугун эса ходимлар сони 120 нафарга етди. Ўтган йили тикувчилик цехи фаолияти ҳисобига 320 млн. сўм соф фойда олган бўлсак, жорий йилда 600 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотимизни Россия ва Қозоғистонга экспорт қилишга эришдик. Ана шу даромад ҳамда банкнинг имтиёзли кредити эвазига Германиядан 83 бош зотдор наслли қора мол олиб келинди. Яхши парваришлаш ҳамда сунъий уруғлантириш воситасида улар сони 252 тага етказилди. Энди сутни қайта ишлаш корхонаси қуриш ҳаракатидамиз.

Ҳақиқатан ҳам, излаган имкон топади, деганларидек бугунги ташаббускор фермерлар ҳар томонлама ривожланиш йўлига тушиб олмоқдалар. Аммо ҳалигача замон талаби даражасида фикрлай олмаётган, ўз еридан унумли фойдаланмаётган фермерлар ҳам борки, уларнинг ҳаракатсизлиги, ўз зиммасидаги масъулиятни етарлича ҳис этмаётгани, энг аввало, хўжалик аъзоларининг манфаатдорлиги, қолаверса, туман, вилоят кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Экспертларнинг фикрича, бундай ҳолатлар айрим фермерларнинг малакасизлиги, иқтисодий таҳлилни йўлга қўя олмагани, энг асосийси эса янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этмаётгани билан боғлиқдир. Бу эса маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар қаторида O`zLiDeP вилоят кенгаши, унинг ҳудудлардаги партия ташкилотларини ҳам жиддий ўйлантириши лозим.

Зеро, ислоҳотлар натижаси учун масъулиятни ўз зиммасига олган партиянинг ҳудудлардаги вакилларининг бундай томошабинлиги фермер ёхуд тадбиркоргагина эмас, пировардида мамлакат иқтисодиётига таъсир этишини ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Хулоса қилиб айтганда, самарали меҳнатдан яхши иқтисодий фойда кўраётган андижонлик фермерлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли пунктлари инфратузилмасини ташкил этишда фаол иштирок этиб, халқ фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшишмоқда.

**Экспертларнинг фикрича, бундай ҳолатлар айрим фермерларнинг малакасизлиги, иқтисодий таҳлилларга таянмаётгани, энг асосийси эса янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этмаётгани билан боғлиқдир. Бу эса маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар қаторида O`zLiDeP вилоят кенгаши, унинг ҳудудлардаги партия ташкилотларини ҳам жиддий ўйлантириши лозим.
Зеро, ислоҳотлар натижаси учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия вакилларининг бундай томошабинлиги фермер ёхуд тадбиркоргагина эмас, пировардида мамлакат иқтисодиётига ҳам салбий таъсир этаётганини унутмаслик лозим.**

## ДЕҲҚОНОБОДДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида аҳолини иш ҳамда ички бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида деҳқон хўжаликлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

— Жорий йил бошидан буён лалми майдонларда 66 та ана шундай хўжалик тузилди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори ўринбосари К.Омонов. — Деҳқон хўжаликларида етиштирилган дастлабки маҳсулотлар аллақачон бозорга чиқарилди.

## БОШЛАНИШИ ЁМОН ЭМАС

Жорий йил аввалида Қарши туманидаги «Эшон Тўйчиев» фермер хўжалиги таркибида янги тармоқ — балиқчиликка асос солинган эди.

Хўжалик раҳбари Баҳром Тўйчиев «Микрокредитбанк» филиалидан олинган 24 млн. сўмлик кредит эвазига бир гектар майдонда барпо этилган махсус сув ҳавзасида сазан, оқ амур, дўнг тумшуқ каби балиқ турларини парваришлаб, икки тонна балиқ етиштирди. Энг муҳими, қишлоқда 4 та янги иш ўрни яратилди.

*М.РЎЗИЕВ тайёрлади.*

## Парламент эшитуви:

# *Сон ўзгаришларидан — сифат ўзгаришларига*

**2011 ЙИЛНИНГ ЎТГАН 9 ОЙИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН 20 ГА ЯҚИН НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛИБ, УЛАРНИНГ 10 ДАН ОРТИҒИНИ ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВЛАРИ ТАШКИЛ ЭТДИ**

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Бу, шубҳасиз, давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар самараси билан боғлиқдир. Чунки Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этишга бирламчи эътибор қаратилгани натижасида ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш имконияти яратилди. Бу, ўз навбатида, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи, вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд, ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини оширишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжат орқали Олий Мажлиснинг назорат функциялари кучайтирилиб, қонун талаблари асосида ҳукумат ва унинг аъзолари ҳисоботини эшитиш йўлга қўйилди. Буни Қонунчилик палатасида сўнгги бир йилда парламент эшитуви ва назорат-таҳлил тадбирларининг кўпайгани, уларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинганида ҳам кўриш мумкин.

Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг ўтган тўққиз ойдаги фаолияти ҳам Концепция талаблари асосида ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоевнинг таъкидлашича, айни пайтда қўмита аъзоларининг асосий эътибори қабул қилинаётган қонунлар ва давлат дастурларининг жойлардаги ижросига, ижро ҳокимияти органларининг бу борада олиб бораётган ишларини таҳлил қилиш ва шу орқали уларга тегишли тавсиялар беришга қаратилмоқда. Жумладан, ўтган бир йил мобайнида ана шу масалаларга бағишланган 70 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. 15 дан зиёд қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрланди. Тадбирларнинг 20 га яқинини назорат-таҳлил ва парламент эшитувлари ташкил этгани эса қўмитанинг жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва ижро ҳокимияти органлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйишдаги фаолиятида муҳим аҳамият касб этди.

Парламент эшитувлари асосан Президентимиз томонидан 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган ҳамда шу йилнинг 15 июлидаги Бош вазир ҳисоботи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарорида кўзда тутилган вазифалар ижросига йўналтирилганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, аграр соҳада саноатни ривожлантириш орқали етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлашни кенгайтириш, ерларларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва сувдан фойдаланишда инновацион лойиҳаларни қўллаш, уруғчилик, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби бир қатор муҳим мавзулар қўмита диққат марказида бўлди. Ўтказилган ҳар бир назорат-таҳлил тадбирларидан сўнг қўмита қарори билан зарур тавсиялар қабул қилиниб, улар тегишли вазирлик, идора ҳамда ташкилотларга маълумот ҳамда ижро этиш учун тақдим этилган.

Эътиборли томони шундаки, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишлари доирасида айнан ана шу қарорларнинг бажарилиши бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу жойларда аграр соҳа тармоқларида юзага келаётган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришда айниқса қўл келаётир. Буни Сурхондарё ва Андижон вилоятларида қўмита қарори ижросига бағишлаб ўтказилган ана шундай тадбирларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ҳам кўрсатди.

Қўмита аъзоларининг қайд этишларича, қуйи палатада парламент эшитуви ва назорат-таҳлил тадбирлари қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда. Илгари депутатларда бироз иккиланиш ҳолатлари кузатилган бўлса, эндиликда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётига оид долзарб мавзуларни Қонунчилик палатаси муҳокамасига олиб чиқишда ташаббускорлик ҳам, фаоллик ҳам кузатилмоқда. Бу Концепция асосида қабул қилинган қонунлар туфайли яратиб берилган ҳуқуқ ва имкониятлар натижасидир.

— Парламент эшутувлари, шунингдек, ижро ҳокимияти органлари вакилларининг депутатларга тақдим этадиган ҳисоботларини сифатли ва мукаммал бўлишига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир, — деди қўмита аъзоси Ф.Комилов. — Эндиликда қуйи палатага таклиф этилган ҳукумат аъзолари, турли идора ва ташкилотлар мутасаддилари шунчаки ҳисобот тақдим этмай, белгиланган мавзунинг тўла очилишига имкон берувчи кенг маълумотлар жамланмасини ҳавола эта бошладилар. Бу эса ўз навбатида чуқур таҳлиллар ўтказиш, бир ҳолатни иккинчи ҳолат билан қиёслаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бироқ шунга қарамай, жойлардаги айрим маҳаллий ҳокимликлар томонидан парламент эшитувида кўзда тутилган масала ва айниқса амалга оширилган назорат-таҳлил якунлари юзасидан қабул қилинган қўмита қарорларининг бажарилиши бўйича етарлича маълумот бермаслик, мажбурият юзасидангина «ҳисобот»лар тақдим этиш ҳолатлари ҳам кузатилаяпти. Шунингдек, маълум бир қонун ёки давлат дастурларининг ҳудудларда қандай бажарилаётганини ўрганиш натижалари айрим маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фақат хўжалик бошқаруви билан машғул бўлиб қолаётганларини кўрсатиб қўйяпти. Ваҳоланки, қўмиталар фракция ёки парламентнинг ялпи мажлисларида муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар муайян соҳа ёхуд тизимлар фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Баъзи ҳолларда қўмита қарорларига умуман муносабат билдирилмаётгани эса замон талабларини англамасликдан бошқа нарса эмас. Ана шуларни эътиборга олиб, қўмита аъзолари маълум бир муддат ўтгач, муҳокама этилган масалаларни қайта кўриб чиқиш тажрибасидан фойдалана бошлади.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг жойларда янги қонун лойиҳаларини изчил муҳокама қилишни йўлга қўйганини, бу эса электорат вакилларининг юзлаб таклиф ва тавсияларини жамлаш имконини берганини таъкидлаш жоиз. Натижада амалиётчилар томонидан билдирилган амалий таклифлардан қонун нормаларини такомиллаштиришда унумли фойдаланила бошланди.

Бундан ташқари, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан қуйи палата томонидан ўтказилган парламент эшитувларида муҳокама этилган масалаларнинг жойларда қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг у ёки бу масаладаги ҳисоботларини тинглашда қўл келмоқда. Бу айни пайтда парламент эшитувларининг фақат сон эмас, сифат жиҳатдан ҳам яхшиланишида, олиб чиқилаётган муаммоларни бартараф этишда барча даражадаги давлат органлари масъулиятини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш Олий Мажлиснинг парламент ва депутатлик назоратидан фойдаланиш имкониятларини тобора кенгайтираяпти. Бу ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланиш эса парламентнинг либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланиш жараёнини янада тезлаштириб, манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

# ИҚТИСОДИЁТ



# Модернизация

## НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИДА ЖАҲОНДА ЯГОНА БЎЛГАН ЯНГИ КОНВЕЕР ИШГА ТУШИРИЛДИ



**Зумрад АБРОРОВА,**
**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
«XXI ASR»

Бу, шубҳасиз, мустақиллик шарофати, истиқлол туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастури»да белгиланган вазифалар ижросининг амалий натижасидир. Мамлакатимиз саноатининг гигант корхоналаридан бирида амалга оширилган ушбу янгиликни эшитгач, беихтиёр ўтган асрнинг 90-йилида Москвада чоп этиладиган «Литературная газета», «Социалистическая индустрия» газеталаридаги «агар Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ажралиб чиқгудек бўлса, республика оғир саноати таназзулга юз тутади. Чунки соҳада маҳаллий кадрлар деярли йўқ даражада» дея аюҳаннос солувчи мақолалар ёдга тушди.

Аслини олганда, ўша кезларда йирик саноат корхоналарида, хусусан, тоғ-кон металлургия соҳасида ишловчиларнинг аксарияти русийзабон аҳоли вакиллари бўлиб, улар орасида ўзбек миллатига мансуб кишилар бармоқ билан санарли эди. Лекин шунга қарамай, москвалик ижодкорлар «башоратлари» амалга ошмади. Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ соҳани маҳаллий кадрлар билан таъминлаш, иқтидорли мутахассисларни сира иккиланмай масъул вазифаларга тайинлаш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига туб аҳолига мансуб йигит-қизларни кўпроқ жалб этиш, ёш истиқболли кадрларни жаҳондаги энг машҳур компанияларга малака оширишга юбориш йўлга қўйилгани кўп ўтмай ўз самарасини берди. Муайян вақтдан сўнг тармоқдаги йирик корхоналар фаолияти сусайиш ўрнига тараққий эта бошлади. Ўз вақтида ва узоқни кўзлаб амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўша башоратчилар ҳатто тасаввур ҳам эта олмайдиган даражадаги муваффақиятларга эриша бошладик. Мавжудларидан ташқари янги-янги корхоналар бунёд этилди. Уларда айни пайтда минглаб маҳаллий аҳоли вакиллари меҳнат қилишаяпти. Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти билан танишгач, бунга яна бир карра амин бўлдик.

Корхона масъуллари тақдим этган маълумотларга қараганда, йилнинг ўтган даврида комбинатда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози 100,3 фоизга бажарилган. Ўсиш суръати 101,0 фоизни ташкил этган. Режадагига нисбатан 4594,8 млн. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, 118,8 фоизли натижага эришилган. Булар 2011 йилнинг ўтган уч чорагида қўлга киритилган муваффақиятлардир. Ушбу кўрсаткичлар йил охиригача янада юқорироқ бўлиши кутилмоқда.

— Айни пайтда муҳтарам Юртбошимизнинг «2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришга доир чора-лар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қувондиқ Санақулов. — Мақсадимиз жорий йилда ушбу йўналишда 191,0 млрд. сўмлик 32 та лойиҳани амалга оширишдир. Йил бошидан буён эса 154,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 145,2 фоизни ташкил этади. Бевосита юқоридаги қарор асосида 10,9 млрд. сўмлик 6 та лойиҳа ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлса, амалда бугунги кунгача 11,1 млрд. сўмлик натижага эришилди.

Мамлакатимизнинг тоғли ва саҳро сарҳадларидаги маъданларни қайта ишлаб, юртимиз иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган комбинатга қарашли йирик конлар, заводлар, турли бутлаш ва таъмирлаш корхоналарида бўлган ҳар қандай одам истиқлол йилларида давлатимиз нечоғли қудратли саноат базасига эга бўлганига беихтиёр тан беради. Айни пайтда салкам 70 минг нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган жамоа зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқда. Комбинат мутасаддилари эса таркибидаги корхоналарни соҳани яхши ўзлаштирган ёш кадрлар билан таъминлаш, улар малакасини ошириш борасида ўрта махсус ва олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Масалан, жорий йилда соҳа институтларини битирган 303 нафар ёш мутахассис ишга олинди ва айни пайтда НКМК билан шартнома асосида олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида 418 нафар талаба корхона ҳисобидан ўқитилаяпти. Бундан ташқари, бевосита комбинатга қарашли ва унга бириктирилган касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнларини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш баробарида талабаларнинг назарий билимларини амалий кўникмалар билан бойитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борада аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган.

Корхона эҳтиёжлари учун ўрта махсус маълумотга эга кичик мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган Навоий кончилик касб-ҳунар коллежи, Зарафшон саноат касб-ҳунар ва Учқудуқ касб-ҳунар коллежларида 20 та йўналиш бўйича, 4666 нафар йигит-қиз таълим олмоқда. Ўқувлар якунида уларнинг ҳар бирига 2 тагача мутахассислик берилади. Бундан ташқари Нурота, Қўшрабод, Ғаллаорол саноат касб-ҳунар ҳамда Каттақўрғон саноат ва миллий ҳунармандчилик коллежлари талабалари ҳам асосан комбинат корхоналарида амалиёт ўтамоқдалар. Уларнинг аксарияти шу ерга ишга қабул қилинаётгани боис бўлажак мутахассислар амалиёт даврида етарли даражада кўникма олиш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти. Биргина жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида 504 нафар олий, 1313 нафар ўрта махсус маълумотга эга кадрларнинг ишга олингани ҳам фикримиз далилидир.

Бугун нафақат Навоий, балки қўшни вилоятларда ҳам комбинатда ишлаш орзусидаги йигит-қизлар кўплаб топилади. Бунинг сабаблари талайгина. Аввало, ҳар бир ёш мамлакатимизда донг таратган корхонада меҳнат қилишга ҳавасманд эканлиги табиий. Яна бир сабаби — бу ерда ишчи-хизматчилар учун талай қулайлик ва имтиёзлар яратилган. Жамоа аъзолари комбинат таркибидаги ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, гўшт ва сут каби маҳсулотларни арзон баҳоларда оладилар. Улкан жамоани бундай ноз-неъматлар билан таъминлаш мақсадида 8 та хўжалик фаолият кўрсатаяпти. Улар ихтиёридаги умумий ер майдони 1094 гектарни ташкил этади. Биргина жорий йилнинг ўзида 454 тонна мева, 241 тонна узум, 1365 тонна сабзавот, 30 тонна полиз маҳсулотлари, 13 тонна лимон етиштирилди. Чорвачилик фермаларида 1354 бош йирик шохли қорамол, 1179 бош майда шохли мол боқилаяпти. 136 та асалари уясида бол йиғилаяпти. Жорий йилда қишлоқ хўжалик ходимлари 3000 тонна сут, 673,2 тонна гўшт тайёрлашни мақсад қилганлар. 30 мингта товуқ ва 36 минг дона жўжа боқишга мўлжалланган паррандачилик фермасининг ишга туширилиши эса жамоа аъзолари дастурхонининг янада файзли бўлишини таъминлаяпти. Балиқчиликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Жорий йилнинг иккинчи ярмида Учқудуқ шаҳридаги иккита сув ҳавзасига 2662 килограмм балиқчалар келтирилиб, парваришланмоқда. Айдаркўл атрофидаги ҳовузларга ҳам 1000 килограмм балиқ чавақлари ташланди. Ўтган йил кузи ҳамда жорий йил баҳорида янгидан барпо қилинган боғ ва узумзорлар 81 гектарни ташкил этди. Шу жумладан, «Дўстлик» агрофирмасида 5 гектар ерга интенсив технология асосида парваришланадиган мевали дарахт ниҳоллари экилди. Нурота туманида яна 100 гектар ерда ана шундай боғ барпо этиш кўзда тутилган. Демак, яқин келажакда жамоани озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятлари янада ортади.

Бундай шарт-шароитларни юзага келтириш учун эса албатта етарли даражада маблағ ҳам зарур. Шу боис комбинат раҳбарияти ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, оз маблағ ва кам куч сарфлаб, маҳсулот ҳажмини босқичма-босқич ошириб бориш чора-тадбирларини кўраяпти. Хусусан, қиймати 1 млрд. 116 млн АҚШ доллари миқдорида 24 та лойиҳа асосида модернизациялаш ишлари қизғин олиб борилаяпти. «Кокпатас ва Довқизтов бирлашган хом ашё базаси негизида кон-металлургия корхонаси қуриш» лойиҳасини амалга ошириш учун 123,8 млрд. сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, 3-гидрометаллургия заводида BIOX технологиясининг 2-навбати ишга туширилди. Натижада рудани қайта ишлаш унумдорлиги кунига 12-14 минг тоннадан 18-20 минг тоннага етказилди. «Зарметан» олтин конлари негизида эса «Кон-руда комплекси қурилиши» лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа бўйича ўтган йили қуввати 1 млн. тонна рудани қайта ишлашга мўлжалланган, қиймати 107,6 млрд. сўмга тенг 4-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати ишга туширилди. Айни пайтда Зарметан кони қаъридан қазиб олинаётган, таркибида қимматбаҳо металл бўлган руда шу заводнинг ўзида қайта ишланмоқда. Унинг ишга туширилиши Нурота ва Қўшрабод туманлари аҳолиси учун қўшимча 1600 та янги иш ўрни яратиш имкониятини юзага келтиргани, айниқса, аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида йирик габаритли автомобилларни таъмирлаш корхонаси ишга туширилиши натижасида «БеЛАЗ» юк машиналари учун бутловчи қисмлар шу ернинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди. 45 тонnали юк ташиш қувватига эга 12 та самосвал таъмирланди. Мураккаб деталлар ва узелларни маҳаллийлаштириш юзасидан яна бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мақола аввалида тилга олинган янгилик изоҳига ўтсак, Мурунтов конини реконструкция қилиш инвестицион лойиҳаси асосида 107,7 млрд. сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, жаҳон кончилик саноатида ягона бўлган, оғир тоғ жинсларини 270 метр баландликка ва 1300 метр масофага олиб чиқадиган тик қияли конвеер фойдаланишга топширилди. Бу эса ўз навбатида таркибида қимматбаҳо металлар бўлган рудаларни қазиб олиш ҳажмини сезиларли даражада кўпайтириш ҳамда йилига 4 минг тонна дизель ёнилғисини тежаш имкониятини юзага келтиради.

Ушбу хушхабар бундан роса 21 йил муқаддам «Ўзбекистонда оғир саноат таназзулга юз тутади» дея башорат қилганларга қанчалик таъсир этганини билмадикку, аммо бундан барча юртдошларимиз боши осмонга етди.

Яна шуни ҳам ишонч билан айта оламизки, бу мамлакатимиз саноатида эришилаётган муваффақиятлардан биттаси, холос!



# *«Аёллар қаноти» масъулиятга таянмоқда*

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН САНАЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА

**Ўз мухбиримиз**

Мамлакатимизда жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг изчил ривожланаётгани эса мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этаяпти. O`zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида амалга оширилган ишлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида «Аёллар қаноти» томонидан жами 1600 дан ортиқ туркум тадбирлар ўтказилиб, уларда 88 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар иштирок этганини инобатга олсак, партиянинг муҳим «қаноти» ўзига билдирилган ишончни оқлаётганига амин бўламиз. O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Тошкент шаҳар ва барча вилоят кенгашларидаги мазкур тузилма томонидан ташкил этилган тадбирларда асосий эътибор аёлларни фермер ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, бандлик масалаларини ҳал этишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Опа-сингилларимизнинг оилапарварлиги, меҳнатсеварлигини бирон-бир фазилатга қиёслаб бўлмайди, албатта. Аммо ўз соҳаси бўйича чуқур билим ва кўникмага эга бўлмаган, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни пухта билмаган тадбиркор аёллар ўз бизнесини тўғри йўлга қўя олмаслиги табиий ҳол. Ана шуларни инобатга олиб, «Аёллар қаноти» ўз эътиборини тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этишга қаратмоқда, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Акрамова. — Тўғри, амалий натижалар билан ечимини кутаётган муаммоларни қиёсласак, иккинчиси кўпроқ тош босаётганини кўрамиз. Бу эса зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

— Ўтган тўққиз ойда хотин-қизларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш йўналишида жами 68 та тарғибот тадбирлари ўтказдик, — дейди Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари Раъно Бойқўзиева. — Уларда 88 нафар аёл партиямиз сафига қабул қилинди. Банклар томонидан ажратилган 42 млн. сўмлик маблағ эса тадбиркорликни бошловчи опа-сингилларимиз фаолиятига йўналтирилди. Натижада 232 та янги иш ўрни яратилди.

Кўриниб турибдики, «Аёллар қаноти»нинг эзгу ниятлари билан амалга оширилаётган лойиҳалар бугун ўз натижаларини бераяпти.

Бу муҳим вазифаларни амалга оширишда партиянинг фаол аъзолари ҳисобланмиш ишбилармон аёллар иштироки алоҳида эканини таъкидлаш лозим. Масалан, бўлимнинг «Маҳаллани оилавий бизнес ва тадбиркорлик марказига айлантиришда O`zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг иштироки ва роли» мавзуидаги йирик лойиҳа асосида республикамизнинг маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида 300 га яқин тадбирлар ўтказилди. Уларда фаол қатнашган тадбиркор хотин-қизлар томонидан эса жойларда 2000 га яқин янги иш ўрни яратилди. Шу ўринда «Аёллар қаноти» фаоллари юқори технологиялар асосида замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини тилга олиш мумкин. Бу эса партиянинг мақсад ва ғояларига тўла мос келаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган 9 ойлик фаолияти давомида эришган муваффақиятларини янада бойитишга киришган «Аёллар қаноти» фаоллари ишда кескин ўзгаришлар ясаш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

# «ТОШКЕНТ» «CEREMON»ГА УЛАНДИ

**Пойтахт сейсмологик станциясида Гельмгольц номидаги Германия Ерни тадқиқ этиш маркази (GFZ) ҳамда мазкур мамлакат ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Сейсмология институтига совға қилинган янги ускуналар жамланмасини топшириш маросими бўлиб ўтди.**

**Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот хизматидан хабар қилинишича, элчи Вольфганг Нойен ва ЎзФА мутасаддилари иштирок этган тадбирда илмий муассасага сейсмик маълумотларни қайта ишлаш дастури билан таъминланган 3 та рақамли кичик сейсмик станция тақдим этилди.**

**Мазкур кичик станциялар ишга туширилганидан сўнг фаолиятини 1901 йилда бошлаган, бошқача айтганда, дунёнинг энг «кекса» зилзилаларни ўрганиш илмий маркази — «Тошкент» сейсмологик станцияси Марказий Осиё ҳудудидаги барча станцияларни қамраб олган CEREMON халқаро тизимига уланиш ва минтақага тегишли, шунингдек, жаҳонда юз берган сейсмик ҳодисаларга оид маълумотларни онлайн тизимида қабул қилиб узатиш имкониятига эга бўлди.**

# Банк ҳам, мижоз ҳам бирдек манфаатдор

МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ЎЗ НУФУЗИГА ЭГА БЎЛГАН «АСАКА» БАНКНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ҲАМ БУГУНГИ КУНДА МИЖОЗЛАРГА БАРЧА ТУРДА, ЖУМЛАДАН, ҲИСОБ-КАССА ХИЗМАТИ, ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ САҚЛАШ, МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ КАБИ КЎПЛАБ ХИЗМАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА. АҲОЛИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ БЎШ ТУРГАН МАБЛАҒЛАРИНИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ СОҲАЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИБ, ОМОНАТЧИ, МИЖОЗ ВА АКЦИЯДОРЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»





Албатта, бундай муассасалар сонининг ортиб бориши, бошқача айтганда, соҳада рақобатнинг кучайиши шубҳасиз, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг яхшиланишига хизмат қилаётир. Зеро, иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланиб бораётган тадбиркор хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлсин, молиявий масалаларни ўзининг асосий кўмакчиси, деб ҳисоблаётгани бежиз эмас.

Айни пайтда филиалда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга турли қулайликлар яратиш ҳамда хизмат маданиятини ошириш мақсадида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Бундан ташқари, юқори малакали мутахассислар мижозларни қизиқтирган масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб, муаммоларига ечим топишга яқиндан кўмак бераяпти. Бундай қулайликлар филиалнинг барча минибанкларида ташкил этилган бўлиб, бу мижоз ва банк муносабатларининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

— Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳри ва вилояти аҳолисига, шунингдек, йирик корхона ва ташкилотлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида филиал таркибида бешта минибанк, иккита махсус касса ҳамда 5 та жамғарма ва коммунал тўлов кассалари фаолият юритмоқда, — дейди «Асака» банк Самарқанд филиали бошқарувчиси Ёқуб Умаров. — Жорий йилнинг тўққиз ойида филиал томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларига йуналтирилган кредит қуйилмалари қолдиғи 19,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,5 фоизга ўсди. Мазкур кредит қуйилмаларининг 17,5 млрд. сўми ёки 88,8 фоизи узоқ муддатларга ажратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 9,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши натижасида 255 та янги иш ўрни яратилди.

Банкнинг доимий мижозларидан бири — «Самарқандавтойўловчитранс» шўъба корхонаси ҳам банк кредити асосида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини кундан-кунга ошириб бормоқда.

— Ўтган йилнинг апрель ойида ушбу банкдан 2 млрд. 360 млн. сўм кредит олган эдик, — дейди корхона бош ҳисобчиси Абдумажид Муродов. — Мақсадимиз — Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «ISUZU» автобусларини харид қилиб, хизмат сифатини яхшилашдир. Банк ёрдамида 180 та ана шундай замонавий транспорт воситаларини сотиб олдик. Энг муҳими, автобус қатнови бугунги талаблари даражасида ташкил этилиб, 400 га яқин иш ўрни ҳам яратилди. Айни пайтда 62 минг йўловчига хизмат кўрсатаяпмиз. Бундан ташқари, корхонамизда банкнинг махсус кассаси очилиб, ойлик маошларни ўз вақтида бераяпмиз. Ушбу қулайлик нақд пул тушумини оширишда ҳам қўл келаяпти.

— Биз «Асака» банк хизматидан мамнунмиз, — дейди Пайариқ туманидаги «Шавкиддин» МЧЖ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Шавкиддин Жўрақулов. — Корхонамиз тасарруфидаги кундузги шифохона туманимизнинг Хўжа Исмоил шаҳарчасида жойлашган бўлиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда «Асака» банкдан қишлоқ ҳудудларида тиббиётни ривожлантириш учун 50 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, УЗИ аппарати ҳамда замонавий лаборатория асбоб-ускуналарини сотиб олдик. Болгариядан келтирилган лаборатория ускунасида касаллик тез аниқланиб, эрта даволаш имконияти юзага келди. Натижада ойига ўртача 300 нафардан ортиқ беморга хизмат кўрсата бошладик. Айни пайтда нафақат Пайариқ, балки Ургут, Жомбой, Оқдарё ҳатто Самарқанд шаҳридан келган беморларга ҳам шифо улашаяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан паррандачиликни ривожлантириш, тухум ва гўшт маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида 4,2 млрд. сўм миқдорида ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан жами 2,2 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

«Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи» шиори остида меҳнат қилаётган филиал жамоаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил давомида жами 14,0 млрд. сўм миқдорида кредит ажратишни режалаштирган.

Аҳолининг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаа сифатида аҳоли қўлидаги эркин пул маблағларини тижорат банкларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда банк томонидан 93 турдаги миллий ва хорижий валютада омонатлар йўлга қўйилди. Бу маблағлар эса омонатчиларнинг биринчи талаби билан нақд пулда таъминлаб берилишига эришилаяпти. Жорий йилда қўшимча тарзда яна тўққизта янги омонат турлари таклиф этилмоқда. Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириш мақсадида филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан, пластик карталар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига терминаллар ўрнатишни янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти.

Авиа ҳамда темир йўл кассалари, коммунал тўловлар қабул қилувчи идоралар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, турғун савдо корхоналари, маиший ва бошқа пуллик хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш тизими, меҳмонхоналар, алоқа бўлимлари терминаллар билан жиҳозланиб, жами 324 та нуқтада пластик каточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, мижозларга инфокиоскда ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга юклаб, шу орқали коммунал, уяли алоқа хизмати учун тўловларни банк ходими иштирокисиз амалга ошириш имконияти яратилди.

Банк мутасаддиларининг таъкидлашларича, ҳозирги кунда филиал томонидан жами 29281 дона пластик карта муомалага чиқарилган. Шуниси эътиборлики, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7969 донага кўпдир. Шу билан бирга республикамиз ҳудудида хизмат сафарларига чиқадиган тадбиркорлар, фирма ва корхоналар раҳбарларига банк хизматларидан фойдаланишда янада қулайликлар яратиш мақсадида корпоратив пластик карталар жорий этилди.

«Unistream», «Азия Экспресс», «Лидер», «Western Union», «Быстрая почта», «Близко», «Money Ggramm» каби халқаро пул ўтказмалари орқали хизмат кўрсатилаётгани ҳам мижозлар сонининг ортишини таъминламоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойида бундай хизмат тури янги — «Золотая корона» халқаро пул ўтказмаси ҳисобидан яна биттага кўпайди.

Таъкидлаш жоизки, филиалда нафақат соҳа ходимларининг малакасини оширишга, балки маънавият ва маърифат борасида ҳам давра суҳбатлари ташкил этилиб, унда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида атрофлича маълумотлар берилмоқда. Ҳафтасига икки марта футбол ҳамда стол тенниси бўйича мусобақалар ҳам ташкил этилаяпти. Ана шундай машғулотлар туфайли вилоят касаба уюшмалари қўмитаси томонидан ўтказиладиган банклараро спорт мусобақаларида «Асака» банк ходимлари етакчи ўринларни эгаллаб келишаяпти. Жумладан, Темур Ата-Қурбанов стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақада фахрли иккинчи ўринни, Озод Муродалиев эса армрестлинг бўйича юқори ўринларни эгаллаб, жамоа шуҳратини оширдилар.

Ҳа, чиндан ҳам қаерда иш яхши ташкил этилган бўлса, меҳнат завққа айланади. Бундан эса жамоа ҳам, мижоз ҳам бирдек манфаат кўради.

РЕКЛАМА

# Сармоялар тараққиётга хизмат қилмоқда

БУГУН МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ МУСТАҲКАМЛАНИБ, МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИ МУТТАСИЛ ОШИБ БОРАЁТГАНИ РЕАЛ СЕКТОРГА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР ХАЖМИНИНГ ОРТИБ БОРИШИГА ҲАМ ХИЗМАТ КИЛМОКДА

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланишига салмоқли ҳисса қўшаётган энг йирик молия муассасаси "Агробанк" очиқ акциядорлик -тижорат банкининг Жиззах вилоят бошқармаси ҳам бу борада ўзига хос фаолият олиб бормоқда. Негаки банк ўзининг инвестициявий фаоллигини ошириш ҳисобига иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолиятини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш орқали янги иш ўринларини ташкил этишга устувор вазифалардан бири сифатида қарамоқда.

Айни пайтда банк томонидан 11 мингдан зиёд мижозга замонавий хизмат кўрсатилмоқда. Аҳамиятлиси, уларнинг 5700 дан ортиғи кичик бизнес субъектларидир. Мазкур молия муассасаси жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 27378 млн. сўм миқдорида кредит ажратди. Ушбу жараёнда Республика Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда жамғарма томонидан тадбиркорларга 210 млн. сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилди. Умуман олганда, ана шу маблағлар эвазига жорий йилда 2210 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Эътиборлиси, ажратилган кредитларнинг 4513 млн. сўми микрокредитлар бўлиб, ушбу маблағ асосан халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондириш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисоблангани боис қорамоллар сонини, қўй-эчкилар туёғини кўпайтириш мазкур вазифани ҳал қилишда асосий омиллардан бири саналади. Зеро, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлиги ҳам шундан аслида. Ушбу жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида жиззахлик агробанкчилар томонидан ҳам бу йил 423,3 млн. сўм маблағ айнан шу мақсадларга сарфланди. Натижада фермерлар учун 350 бошдан зиёд чорва молларини харид қилиш имконияти яратилди.

Мазкур молия муассасаси жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мавқеини мустаҳкамлаш, бандлик муаммосини ҳал этиш, айни пайтда тадбиркор, ишбилармон аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам кенг қамровли ишлар олиб бормоқда. Бугун банк филиалларида 900 дан зиёд тадбиркорликка қўл урган хотин-қизларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида банк томонидан 128 та тадбиркор аёлга 1845 млн. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Натижада жойларда 185 киши доимий иш жойига эга бўлди.

Банк олдида турган энг муҳим вазифалардан яна бири — бу аҳолини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдир. Шу боис ҳам асосий эътибор истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи юқори сифатли товарлар билан тўлдириш мақсадида кўплаб янги корхоналар ташкил этишга, мавжудларини эса техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилмоқда. Бу йил озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга, хусусан, паррандачилик, иссиқхона, гўшт ва сут, нон ва нон маҳсулотлари, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳаларига банкнинг 19627 млн. сўмлик кредити йўналтирилди. Мисол учун, вилоятдаги истиқболи порлоқ «Харидор барака» хусусий корхонаси ҳам гўштни қайта ишлаб, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини банкка тақдим этган эди. Акбар Муродов етакчилик қилаётган корхона лойиҳаси мақбул топилиб, унга 790 млн. сўм кредит ажратилди.

Банк томонидан ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бу йил ана шу мақсадлар учун 3628 млн. сўм маблағ сарфланди. Ўрни келганда банк томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажми билангина эмас, балки ўзининг самараси билан ҳам мижозлар ишончини қозонаётганини таъкидлаш мумкин. Масалан, «Жиззахпластмасса» очиқ акциядорлик жамияти банкнинг 1064 млн. сўм миқдоридаги кредити эвазига болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Сангзор Экспрес» корхонаси ҳам молия муассасасининг 80 млн. сўм кредити ҳисобига янги линияни ишга туширди. Шу кунга қадар қарийб 50 дан ортиқ ётоқхона, 100 дан зиёд ошхона ва офис мебеллари тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди.

Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, истеъдод соҳиблари бўлган ўғил-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишларга қараб жиззахлик агробанкчилардан ўрнак олса арзийди, дейиш мумкин. Чунки молия муассасаси вилоятда касб-ҳунар ва олий таълим даргоҳлари битирувчилари, айниқса, чекка қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш борасида алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Сўзимиз исботи сифатида жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ жойларидаги 22 нафар ёшларга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 293 млн. сўм кредит ажратилганини таъкидлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» очиқ акциядорлик - тижорат банкининг Жиззах вилоят бошқармаси пул-кредит сиёсати соҳасида якдиллик билан иш олиб бориб, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини, жумладан, хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига сифатли ва замонавий хизмат кўрсатиш учун барча чораларни ишга солмоқда. Бу эса янги ютуқларга замин ҳозирлаяпти.

ЭЪЛОН

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги, Матбуот ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда журналистлар ўртасида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллигига бағишланган «Ватан азиз, жасорат мангу» республика танловини эълон қилади.**
**Танлов «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деган туйғуни юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга қаратилган бўлиши керак.**
**Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз мусаффолигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама ёритилган бўлиши лозим.**

**«Ватан азиз, жасорат мангу» танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:**
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-,2-,3-ўрин);
— тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-,2-,3-ўрин);
— радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-,2-,3-ўрин);
— интернет нашрларидаги материаллар (1-,2-,3-ўрин).

**Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:**
1-ўрин ғолиблари — ноутбук;
2-ўрин ғолиблари — компьютер тўплами;
3-ўрин ғолиблари — замонавий рақамли телевизор.

Танловни ўтказишда иштирок этаётган ҳамкор ташкилотлардан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ўзининг рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.
Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, соҳалар бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, мустақил ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.
Танловга 2011 йил давомида газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камида 5 та) 2011 йилнинг 20 декабригача қабул қилинади.
Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида тантанали равишда топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.
Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:
— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

**Ижодий ишлар «Ватан азиз, жасорат мангу» танловига, деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Телефонлар: 244-64-61, 244-64-62, 244-37-87. www.journalist.uz**

# Яшаш учун кураш

## ОНА САЙЁРАМИЗДА СУВ ВА НЕФТЬ УЧУН АВЖ ОЛАЁТГАН ЗИДДИЯТЛАР ЖАҲОН УРУШИГА ҚАДАР ОЛИБ БОРИЛГАН «КАТТА ЎЙИН»ЛАРНИ ЭСГА СОЛМОҚДА

**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**

Тўғри, XXI асрга келиб, ўйин қоидалари ўзгарди. Агар тарихга назар ташласак, ўша даврда Буюк Британия ва Россия Марказий Осиёнинг энергетик захираларини назорат қилиш имкониятлари учун рақобатлашганига гувоҳ бўламиз. Бугунга келиб эса гарчи Буюк Британиянинг роли унчалар сезилмаётган бўлса-да, аммо бир вақтлар унга бўйсунган Ҳиндистон ва Хитой халқаро саҳнада мустақил ва муҳим марказга айланганликларини исботлашга уринаётганларини кўрамиз. Бошқача айтганда, улар "катта саккизлик" мамлакатлари билан бир сафда Марказий Осиё, Форс кўрфази, Африка, Лотин Америкасига кириш ва ҳатто ўзлаштирилмаган қутбларнинг чучук сув ва фойдали қазилмалари учун катта курашга киришганлар. Фойдали қазилмаларнинг етишмовчилиги эса глобал иқлим исиши туфайли тобора кучайиб бораяпти. Бир сўз билан айтганда, бу галги "катта ўйин" аввалгисидан кўра анча хавфлироқ тус олиши мумкин.

Албатта, нефть арзон бўлган даврларни ортга қайтариб бўлмайди. Шунинг учун кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгариши натижасида пайдо бўлаётган энергия захираларини имкон даражасида ўз назоратлари остига олишга уринмоқдалар. Хусусан, Канада Россиянинг эриб бораётган Арктика музликларидаги иншоотларига ҳамоҳанг тарзда у ерда ўз базаларини қуришга киришган бўлса, ҳудуднинг бир қисмига Норвегия, Дания ва АҚШ даъвогарлик қилаяпти. Буюк Британия эса Жанубий Қутб атрофидаги ҳудудлар билан қизиқа бошлади. Буларнинг бари асримизда рўй бериши мумкин бўлган кўплаб можароларнинг бош мавзуси энергия захираларига қаратилиши эҳтимоли юқори эканлигидан далолат бериб турибди. Бундан-да хавфлиси энергетика захиралари нархининг ҳаддан ташқари кўтарилиши ҳисобига оммавий очарчиликнинг юзага келишидир. Агар ҳозирги механизациялашган фирмаларни ёнилғи билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилмаса, у ҳолда кўплаб дўконлар пештахталари бўшаб қолиши аниқ. Бошқача айтганда, дунё ёнилғи қарамлигидан осонликча қутулиб кетолмайди.

Форс кўрфазидаги уруш ҳам демократияни тарқатиш ёки террорчилик йўлига ғов қўйиш мақсадига ҳамоҳанг тарзда бошланганини билан аслида бунинг ортида бошқа манфаатлар яширинганини халқаро кузатувчилар эътироф эта бошлаганлари ҳам бежиз эмас.

Агар "Катта ўйин"нинг ўтган галгисида ғарб мамлакатларнинг қўли баланд келган бўлса, бу сафар уларнинг ўзлари хом ашё етказиб берувчи давлатларга қарам бўлиб қолмоқдалар. Ҳозир ғарбда умумий иқтисодий-молиявий тушкунлик давом этаётган бир пайтда халқаро майдонда пайдо бўлган янги қудратли давлатлар ўртасида илк ғавғолар бошланаётир. Хитой ва Ҳиндистон нефть ва газ учун бир-бири билан рақобатлашаётган бўлса, Тайвань, Вьетнам, Малайзия ва Индонезия Жанубий Хитой денгизидаги сув ости нефть конлари мақоми юзасидан бир неча маротаба жанжаллашишга улгурди. Саудия Арабистони ва Эрон ўртасида Форс кўрфазида рақобат кетаяпти. Бир вақтнинг ўзида Эрон ва Туркия Ироққа нигоҳини қадаган. Шуниси қизиқки, инсониятни нефть билан бирга тоза ичимлик сувга эгалик қилиш рақобати ҳам ташвишга солмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, агар яқин вақтларда сув билан таъминлаш бўйича юзага келган халқаро инқирозни ечиш учун бирор-бир чора кўрилмаса, у ҳолда келажакда об-ҳаёт билан боғлиқ муаммолар оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки ҳозирги вақтда сайёрамиздаги 7 млрд. аҳолининг 1 млрд. 100 млн.и чучук сув тақчиллигини бошидан кечирмоқда. 2025 йилга бориб эса ер юзи аҳолисининг 3/2 қисми ушбу муаммога дуч келади. Инқироз Саҳрои Кабир ва Жанубий Осиёдан жанубда жойлашган Африка мамлакатларини тобора чуқурроқ домига тортаяпти. Афсуски, сув етишмовчилигидан фақат қора қитъа азият чекаётгани йўқ. Таиланд, Индонезия ва Мексика ҳам ана шу муаммога дучор бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Соҳа мутахассисларининг фикрича, Шимолий Хитой ва Африканинг кўп сонли қисмлари ҳамда Яқин Шарқ, Мексика, Ҳиндистон ва Шимолий Американинг қатор туманлари сув ресурсларининг ўткир тақчиллиги остонасида турибди. UNISEF маълумотларига қараганда, бундан ҳаммадан кўра болалар азият чекаяпти. Ҳар куни тоза ичимлик сув етишмовчилигидан орттирилган касалликлардан 4 мингга яқин мурғак вафот этмоқда.

Чучук сув етишмовчилиги афтидан яқин ўн йилликларда дунё иқтисодий тараққиётига тўғаноқ бўлувчи бош омил бўлиши мумкин, деб хабар беради Жаҳон банки. Таҳлилчи Гарет Томаснинг тахминлари эса бундан ҳам хатарли. — Агар биз муаммони ҳал этишга киришмасак, яқин йилларда сув ресурслари халқаро зиддиятлар объектига айланиши мумкин, — дейди Томас. — Биз ҳозирданоқ бор куч ва маблағларимизни сафарбар этишимиз лозим. Акс ҳолда, ҳаракатсизлигимиз жуда қимматга тушади.

Муаммо кўламини ҳис қилган 27 та халқаро хайрия ташкилоти дунё раҳбарларини ривожланаётган мамлакатларни сув қувурлари тармоқларини тозалаш анжомлари билан таъминлашга чақирдилар. Уларнинг баёнотига қараганда, халқаро ҳамжамият сув манбалари учун рақобатнинг олдини олиши керак. Негаки, у жамиятларда беқарорликни келтириб чиқариши ва у можароларга айланиб кетиши мумкин. Фақат сув ва санитар гигиеник таназзулни бартараф этиш билангина БМТнинг 2000 йилги саммитида қабул қилинган "Минг йиллик" тараққиёт дастурини амалга ошириш мумкин.

Агар жаҳондаги ўртача ҳаво ҳарорати саноатлашган даврдаги ҳарорат билан солиштирилганда борйўғи 2 градусга кўтарилса, 2 млрд. дан 3 млрд. гача аҳоли сув етишмовчилигидан азият чекади.

Бугун жаҳон бозорида нефть нархининг тобора ошиб бораётгани, об-ҳаво инжиқликлари Ҳиндистон ва Хитойнинг озиқ-овқат ва энергетикага бўлган талабининг жадаллик билан ўсиб бораётгани озиқ-овқат нархларининг мисли кўрилмаган даражада ошиб кетишига сабаб бўлаётир. Бундан фақат ривожланаётган мамлакатлар қийналаётгани йўқ. Муаммо саноати тараққий этган мамлакатлардаги кам таъминланган аҳоли қатламига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ички низолар гирдобига шўнғиган Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг айрим давлатларида нон нархи икки баробар қимматлашган. Ваҳоланки, бундай давлатларда икки буханка маккажўхори нони уларнинг кун мобайнида истеъмол қиладиган ягона



таоми ҳисобланади.

Мутахассисларнинг эътирофича, истиқболда озиқ-овқат муаммоси ҳал этилади. Аммо яқин 10 йил ичида нархнаво ўсишда давом этади. Айниқса, нефть баҳосининг кўтарилиб бораётгани ўғитдан тортиб, қайта ишланадиган маҳсулотларни етказишнинг ҳам қимматлашувига олиб келаяпти. Иқтисоди жадаллик билан ўсиб бораётган Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатларда гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсиб бораётгани бунинг яққол исботидир. Дунёнинг аксарият мамлакатларида асосий озиқ-овқат нархлари ўсиб бораётгани Мисрга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Мамлакатда нොннинг нархи 35, ўсимлик ёғи 20 фоизга қимматлашди. Шубҳасиз, озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияни рағбатлантираяпти. Америкадаги JP Morgan банкининг мутахассиси Жинг Ульрихнинг сўзларига қараганда, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига талабнинг юқорилиги, таклифнинг эса чегаралангани сабаб бўлаётир.

«Қора олтин» баҳосининг юқорилиги озиқ-овқат ишлаб чиқариш таннархининг ҳам ошишига сабаб бўлаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Охир-оқибат кўплаб мамлакатлар биоёнилғи ишлаб чиқаришга эътиборни кучайтирдилар. Бу эса ўз навбатида маккажўхори, шакар, соя нархларининг ўсишга олиб келмоқда. Японияликлар бу ҳолатни биринчи навбатда майонез сотиб олишда ҳис этаяптилар. Охирги йиллар мобайнида ушбу маҳсулот нархи 10 фоизга қимматлашди.

Айтиш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан ҳаммадан кўра Европа давлатлари азият чекмоқда. Биргина Италия ва Греция бош вазирларининг инқирозга қарши аниқ чоралар ишлаб чиқолмай истеъфо берганлари фикримизга мисол бўлиши мумкин. Грециянинг янги бош вазири Лукас Пападимос лавозимга тайинланганидан бери илк марта парламент олдида чиқиш қилди. У депутатларга ўз ҳукуматининг ЕИ тавсия ва келишувларини бажариш учун ҳаракат қилишини билдирди. Бу саъй-ҳаракат мамлакатда норозиликларнинг янги тўлқинини бошлаб бериши ҳам ҳеч гап эмас. Юнонлар Европа Иттифоқининг бюджет харажатларини қисқартириш таклифига шундоқ ҳам қарши намойишлар ташкил этаётгани шундай хулоса чиқаришимизга асос бўла олади.

Хуллас, ҳозирча дунёни қамраб олган ноаниқликнинг охири кўринмаяпти. Ҳатто айрим кузатувчилар дунё тангликнинг навбатдаги босқичига киришини башорат қилаётирлар. Вазиятнинг қандай якун топишини эса вақт кўрсатади, албатта.

---

воқеалар, далиллар, шарҳлар

## МОНТИ ИТАЛИЯНИНГ ЯНГИ БОШ ВАЗИРИ



**Еврокомиссиянинг собиқ комиссари Марио Монти Италиянинг янги бош вазири лавозимини эгаллади. Мамлакат президенти Монтига янги ҳукумат таркибини шакллантириш вазифасини юклади. Журналистлар олдида чиқиш қилар экан, 68 ёшли иқтисодчи ҳамкорликдаги ҳаракатлар билан мамлакатни молиявий инқироздан олиб чиқиш мумкинлигини таъкидлаган. ЕИ ҳам айни пайтда Италияда миллий бирликка эга бўлган ҳукумат шаклланишини қўллаб-қувватламоқда.**
**Собиқ бош вазир Берлускони эса 8 ноябрь куни Италия парламентининг қуйи палатасидаги кўпгина овозларни бой берганидан сўнг истеъфога чиқишга қарор қилганди. Унга нисбатан нафақат оппозициядагилар, балки ўзининг «Озодлик халқи» партияси вакиллари ҳам қарши чиққан.**

## СУД 2012 ЙИЛГА ҚОЛДИРИЛДИ

**Жорий йилнинг 22 июль куни Норвегияда террористик жиноят содир этган Андерс Брейвик устидан суд жараёни келаси йилнинг 16 апрелида бўлиб ўтадиган бўлди. Осло ҳудудий суди судьяси Турхел Несхеймнинг таъкидлашича, психиатрлар Брейвикнинг руҳий ҳолати бўйича маълумотларни 30 ноябрга қадар тақдим этишлари керак.**
**Бундан аввал жиноятчини узил-кесил қамоққа олинишининг тахминий вақти 12 ҳафтага чўзилган эди. Маҳбус, шунингдек, хат ёзиш ва хат олиш, бирон-бир яқинлари билан учрашиш, ҳатто матбуот хабарларини ўқишдан ҳам маҳрум қилинган.**
**Эслатиб ўтамиз: Брейвик томонидан Осло ва Утойа оролида содир этилган кетма-кет икки теракт оқибатида 77 нафар киши ҳаётдан кўз юмган.**

## ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ. АММО...



**Буюк Британия ҳукумати 2012 йилги Лондон олимпиадаси ўйинлари даврида ҳаво ҳужумига қарши ракета тизимидан фойдаланишини маълум қилди. Бу ҳақда мамлакат мудофаа вазири Филип Ҳаммонд баёнот берган.**
**Аммо шунга қарамай, АҚШ ҳукумати ўз хавотирини яширмаяпти. Хусусан, мамлакат матбуотида тарқатилган маълумотларга кўра, АҚШ ўз спортчилари ва дипломатларининг хафвсизлиги учун Британия пойтахтига 100 нафар махсус хизмат вакилларини жўнатиш ниятида эканлигини билдирган.**
**Таъкидлаш жоиз, Олимпиада-2012 мусобақаларига 12 минг нафар Британия полицияси, 10 минг нафар хусусий қўриқлаш хизмати вакиллари, шунингдек, 6 минг нафар ҳарбийлар сафарбар этилиши кўзда тутилмоқда.**

## «СОХТА ЖУРНАЛИСТЛАР»НИНГ УЙИ КУЙСИН

**Хитойда ноқонуний ОАВ ва «сохта» журналистларга қарши жиддий кураш кампанияси бошланди.**
**Мамлакат Матбуот маъмурияти сохта медиа, журналистлар ва хабарларнинг пайдо бўлиши барқарорликка салбий таъсир ўтказаётганини таъкидлаб, ноқонуний журналистлар деганда интернет-медиа ходимлари назарда тутилаётганини маълум қилди. Сабаби, Хитой ҳукумати халқ орасидаги норозиликлар айнан интернет орқали пайдо бўлаётганини, кейинчалик эса ОАВларда кўчаётган «миш-мишлар» оқибати эканини таъкидламоқда. Масалан, жорий йилнинг сентябрь ойида интернет тармоғида полиция ходимлари томонидан чақалоқ ўлдирилгани ҳақида сохта хабар тарқалгани туфайли минглаб одамлар мамлакат жанубидаги полиция маҳкамасини ўраб олиб, норозилик уюштиргандилар.**

*Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади*


эълон



# КОНКУРС ПО ЗАКУПКЕ МАРШРУТИЗАТОРА CISCO 4500

**ОАКБ «Узпромстройбанк» приглашает принять участие в конкурсе по закупке маршрутизатора Cisco 4500, укомплектованного следующими модулями, согласно нижеуказанной таблицы:**

| | | |
|---|---|---|
| WS-C4507R-E | Cat4500 E-Series 7-Slot Chassis, fan, no ps, Red Sup Capable | 1 |
| WS-X4606-X2-E | Catalyst 4500 E-Series 6-Port 10GbE (X2) | 1 |
| WS-X45-SUP6-E | Catalyst 4500 E-Series Sup 6-E, 2x10GE(X2) w/ Twin Gig | 1 |
| WS-X45-SUP6-E/2 | Catalyst 45xxR E-Series Sup 6-E, 2x10GE(X2) w/ Twin Gig | 1 |
| X2-10GB-LR | 10GBASE-LR X2 Module | 1 |
| S45EIPB-12253SG | Cisco CAT4500E IOS IP BASE W/O CRYPTO | 1 |
| CAB-CEE77-C19-EU | CEE 7/7 to IEC-C19 13ft Europe | 2 |
| PWR-C45-1400AC | Catalyst 4500 1400W AC Power Supply (Data Only) | 1 |
| PWR-C45-1400AC/2 | Catalyst 4500 1400W AC Power Supply Redundant(Data Only) | 1 |
| CVR-X2-SFP | Cisco TwinGig Converter Module | 2 |
| CVR-X2-SFP | Cisco TwinGig Converter Module | 1 |
| CON-SNT-C4507RE | SMARTNET 8X5XNBD WS-C4507R-E | 1 |
| GLC-T= | 1000BASE-T SFP | 3 |
| X2-10GB-LR= | 10GBASE-LR X2 Module | 6 |

**Участники конкурса должны иметь авторизационное письмо от производителя оборудования.**
**Коммерческие предложения просим предоставить в конверте с сопроводительным письмом в срок до 28.11.2011 г. по адресу: г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 3.**
**Справки по телефону: 120-45-03, 120-45-60.**

# СЎНГГИ САҲИФА

web sayt: www.21asr.uz

## Бухоро буғулари Бекободни «танладилар»

САЙЁРАМИЗДА САНОАТ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНИБ БОРГАНИ САЙИН ТАБИАТНИ АСРАШ, АЙНИҚСА, БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ТОБОРА ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА



**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»

Хусусан, ҳар йили юз минглаб гектар ўрмонларнинг кесиб юборилаётгани Ер атмосферасининг ўзига хос «яшил ўпка»сидан ажралиб қолиши, энг ёмони, бу ареаллардаги жонзотларнинг камайиб ёки қирилиб кетишига сабаб бўляпти. Шу боис 2011 йил БМТ қарорига кўра, «Ўрмонлар йили» деб эълон қилиниб, наботот ва ҳайвонот оламини сақлаб қолиш, уларнинг эркин кўпайиши учун шароит яратиш бўйича жаҳон миқёсида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Мамлакатимизда ҳам Экологик ҳаракат ташкил топиб, унинг 15 нафар аъзоси учун парламентдан жой ажратилгани табиатни асраш борасидаги миллий қонунчиликнинг янада такомиллашуви, амалий ишларнинг жадаллашувига сабаб бўлаётир. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг Миллий табиий қўриқхоналар бошқармаси мамлакатимиз фаунасини асрабавайлаш йўлида яқинда яна бир муҳим ишга қўл урди. Бекобод туманида жойлашган Далварзин ов хўжалигига 5 та Бухоро буғусини олиб келиб, кўпайтиришга қарор қилинди.

Хўжалик директори, O`zLiDeP фаоли Нуриддин Бегматовнинг маълум қилишича, ушбу турдаги буғулар мамлакатимизда жуда кам қолган бўлиб, чўл ва дашт ҳудудларидаги ноқулай иқлим ва технологик ифлосланишлар уларнинг қирилиб кетиш хавфини кучайтирмоқда. Шу сабабдан Зарафшон қўриқхонасида яшовчи Бухоро буғуларини пойтахт вилоятидаги тўқайзорлар иқлимига мослаштириш ва кўпайтириш чора-тадбирлари кўриляпти. Айни пайтда Далварзин ов хўжалигида «муҳожирларни» кутиб олиш учун барча ташкилий ишлар ниҳоясига етказилди.

## ЭНДИ IPAD ПЛАНШЕТЛАРИ ҲАМ УЧАДИ



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси йўловчилар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида самолёт бортларини замонавий кўнгилочар мобил ускуналар билан таъминлади.

Компания матбуот хизматининг хабар қилишича, 2011 йил 1 ноябридан бир қатор йўналишларнинг биринчи ва бизнес классларида парвоз қилувчи йўловчилар аудио ва видео воситалари, ўйинлар, шунингдек, ОАВ электрон нусхалари жамланган митти «ён дафтарчалар» — iPad планшетларидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, МАК мижозлари ана шу планшетлар орқали мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти билан ҳам танишишлари мумкин.

Маълумотларга кўра, айни пайтда бундай қулайлик Тошкент-Куала-Лумпур-Тошкент, Тошкент-Франкфурт-Тошкент ҳамда Тошкент-Санкт-Петербург-Тошкент йўналишлари бўйича қатновчи ҳаво кемаларида яратилган бўлса, жорий йил 1 декабрдан Истанбул, Пекин, Бангкок, Шаржа, Дубай, Москва ва Киевга парвоз қиладиган 7 та рейсда ҳам жорий этилади.



## Қитъадошларни ортда қолдирдик

**15** НОЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТДА ТОЖИКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИ **3:0** ҲИСОБИДА МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТИБ, ОЧКОЛАР СОНИНИ **13** ТАГА ЕТКАЗГАН ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ НАФАҚАТ ЎЗЛАРИ ТЎП СУРАЁТГАН «С» ГУРУҲИ ПЕШҚАДАМЛИГИНИ, БАЛКИ «ЖЧ-**2014**» ЙЎЛЛАНМАЛАРИ УЧУН КУРАШАЁТГАН ОСИЁ ТЕРМАЛАРИ ОРАСИДА ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАНИ ҚАЙД ЭТДИЛАР

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»

Масалан, саралаш баҳсларининг учинчи босқич, 5-тур ўйинларидан сўнг Австралия, Иордания, Ироқ термалари ўз ҳисобидаги очколар сонини 12 тага етказган бўлсалар, қитъамизнинг Жанубий Корея ва Япония каби «гранд»лари гуруҳ беллашувлари давомида тўплаган очколарини 10 тадан, Эрон ҳамда Қатар термалари эса 9 тадан ошира олмадилар.

Эслатиб ўтиш жоиз: Бразилияга йўл олишни мақсад қилган терма жамоалар мазкур босқичнинг сўнгги тур учрашувларини келаси йил февралида ўтказадилар. Омад ва куч бобида бошқа термалардан устун бўлган ўнта жамоа иштирокида ўтказиладиган ҳал қилувчи — тўртинчи босқич баҳслари эса 2012 йил июнида бошланиб, 2013 йил июнида поёнига етади. Қувонарли томони шундаки, Вадим Абрамов мураббийлигидаги чарм тўп усталаримиз ана шу босқич йўлланмасини муддатидан аввал, яъни Шимолий Корея термаси мағлубиятга учратилганидан кейин қўлга киритишди.

Сешанба куни «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтган учрашувда эса устунлик майдонда бироз ўзгартирилган таркиб билан ҳаракатланган йигитларимиз тарафида бўлди. Ҳамюртларимиз дастлабки дақиқаларданоқ меҳмонлар дарвозаси томон кетма-кет ҳужум уюштирган бўлсалар-да, Тожикистон терма жамоасининг дарвозаси 35-дақиқада ишғол қилинди. Темур Кападзе ажойиб тарзда оширган тўпни Санжар Турсунов қабул қилиб, аввал ҳимоячини, сўнгра дарвозабонни доғда қолдириб, ҳисобни очди. Ўтказиб юборилган голдан сўнг тожикистонликлар бор имкониятларини ишга солган бўлсалар-да, уларнинг бу ҳаракатлари самара бермади. Аксинча, футболчиларимиз меҳмонлар ҳимоя чизиғида пайдо бўлган бўшлиқда ўзларини эркин ҳис қила бошладилар.

Бу ҳолат иккинчи бўлим бошларида янада яққол намоён бўлди. Аммо меҳмонлар дарвозабони Алишер Тўйчиевнинг маҳорати эвазига ўйиндаги ҳисоб 60-дақиқагача ўзгармай турди. Орадаги фарқни ошириш бу гал ўзига хос ҳаракатлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлган Одил Аҳмедовнинг чекига тушди. «Анжи» яримҳимоячисининг узоқдан берган дастлабки кучли зарбасини Тўйчиев қайтарган бўлса, бир неча дақиқадан сўнг айнан Одил томонидан тепилган тўп тожикистонлик ҳимоячиларнинг бирига тегиб, дарвоза тўрига тушди.

72-дақиқада эса терма жамоамиз вакиллари ажойиб комбинацияни амалга оширдилар. Ўнг қанотда турган С.Турсунов О.Аҳмедов томонидан оширилган тўпни тўхтатмасдан жарима майдонидаги Александр Гейнрихга оширди. Тажрибали ҳужумчи сира иккиланмай, уни боши билан дарвозага йўллади.

Гуруҳнинг шу куни ўтказилган иккинчи учрашувида шимолий кореяликлар ўз майдонларида Япония футболчиларини 1:0 ҳисобида доғда қолдирдилар. Аммо бу мағлубият кунчиқар юрт вакилларининг имкониятларига жиддий таъсир этмаганини таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, японлар ҳам ҳамюртларимиз сингари кейинги босқичга чиқиш масаласини анча аввал ҳал этиб бўлишганди.

**«С» гуруҳидаги ҳолат:**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Ўзбекистон | 5 | 4 | 1 | 0 | 7-1 | 13 |
| 2. Япония | 5 | 3 | 1 | 1 | 14-2 | 10 |
| 3. КХДР | 5 | 2 | 0 | 3 | 2-3 | 6 |
| 4. Тожикистон | 5 | 0 | 0 | 5 | 0-17 | 0 |

реклама




## ГАЗ ЎЗ КУЧИНИ КЎРСАТЯПТИ



**Маълумки, 2011 йилнинг 5 сентябридан бошлаб Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан газ ёнилғисида ишлайдиган автотранспорт воситаларининг экологик ҳолатини назорат қилувчи янги меъёрий ҳужжат кучга кирган эди.**

**Қўмита ахборот хизматидан маълум қилинишича, «Nipostandart» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган мазкур давлат стандарти газ ёнилғисида ишлайдиган автомобилларни назорат қилиш орқали ҳавога чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни камайтириш мақсадида жорий этилган.**

**Таъкидлаш жоиз: ушбу меъёр ишлаб чиқилгунга қадар бу борадаги баҳсли ҳолатлар «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ёрдамида ҳал этиларди.**

**Шу ўринда бугун мамлакатимизда сиқилган табиий ёки суюлтирилган углеводородли газда ишлайдиган машиналар миқдори республика автомобиль паркининг 17 фоизини ташкил этаётганини таъкидлаш лозим. Бу, ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасининг ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича махсус комиссиянинг жорий йил 30 майда чиқарилган қўшимча қарорига мувофиқ 2011-2015 йилларда бензинда юрадиган салкам 460 мингта, шунингдек, дизель ёнилғисига мослаштирилган қарийб 73 мингта автомобилни газда юриш имконини берувчи ускуналар билан таъминлаш, Самарқанддаги заводда газ-баллонлар билан жиҳозланган «Isuzu» автобусларини ишлаб чиқариш, қўшимча автомобилларга газ қуйиш шохобчаларини қуриш каби бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини айтиб ўтиш лозим.**

## «ФОТОН» КЎЧМОҚДА



**Маълумотларга қараганда, пойтахт марказида жойлашган электр жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Фотон» очиқ акциядорлик жамияти ўз фаолиятини Чилонзор туманида жойлашган «Алгоритм» ОАЖга қарашли бўш турган цехлар ва ана шу заводга тегишли маъмурий бинода давом эттирадиган бўлди.**

**Асосан назорат-касса аппаратлари, телевизорлар, кувватни тежовчи лампалар каби тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхонанинг «кўчиш» жараёнида унинг таркибига «Фотон» тажриба-конструкторлик бюроси ҳамда «Кварк» илмий-ишлаб чиқариш компанияси сингари иккита корхона ҳам бириктириладиган бўлди.**

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс); Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
t -Тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 3173. Тираж: 9 262
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
ISSN 2181-497X
Навбатчилар: Т.АБДУРАҲМОНОВ, А.МУЗАФФАРОВ.